## ИНСОН ИРОДАСИ

**...Осмон тимкора тутун билан копланган. Хар кадамда уруш курбонлари. Тўпларнинг ва кирувчи самолётларнинг овозидан замин ларзага келади. Мана шу дахшатли манзара салкам етмиш йилдан буён сира хаёлимдан кўтарилмайди...**

2 бет

## АЛЛО, ЭШИТАЯПСИЗМИ?

**XXI асрни фан-техника асри дея таърифлаяпмиз. Дарҳақиқат, шундай. Биргина қўл телефонларини олайлик. Яқин ўтмишда симсиз телефон ҳақида ўйлашнинг ўзи унчалик ҳақиқатга тўғри келмасди-ку!**

12 бет

# Ниқиқ

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2010-yil 6-may, №18 (695)

*Учрашув*

# Парламент ва ОАВ

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
"Ниқиқ"

***Ўтган ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси ташаббуси билан "Парламент назорати самарадорлигини оширишда ОАВнинг ўрни" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида депутатлар, ҳуқуқшунослар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.***




Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузаларида парламент олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши устидан қатъий парламент назоратини ўрнатиш лозимлигини таъкидлаб, "Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, кўп жиҳатдан, ОАВ кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир" деган эдилар.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган дастурий вазифалардан келиб чиқиб, давра суҳбати иштирокчиларининг диққат-эътибори қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларини қўллашнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан кенг фойдаланиш, парламент назорати, хусусан парламент сўрови ва парламент эшитувининг самарадорлигини таъминлашда ОАВнинг фаоллигини янада ошириш масалаларига қаратилди.

Тадбирда сўз олган депутатлар, ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қонунлар ижросини ўрганиш бўйича икки юзга яқин назорат-таҳлил ишлари олиб борилганлиги, лекин бу борада етарлича натижага эришилмаганига тўхталиб, ушбу ҳолатларнинг юзага келиш сабабларини атрофлича таҳлил этиб, келгусида уларнинг олдини олиш ва мазкур йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Давра суҳбатида парламент, депутатлар ва ОАВ ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, депутатлар корпуси ишини ёритишда журналист фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, парламент назорати ва ОАВ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболлари, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат фаолиятини ОАВ томонидан ёритилишининг замонавий усул ва технологиялари хусусидаги хорижий тажриба ва амалиётнинг ибратли жиҳатлари очиб берилди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси аъзолари иштирокчилар эътиборини Президент Ислом Каримов томонидан қўйилган яна бир долзарб вазифа — ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтиришда партия нашрларини фаоллаштириш лозимлигига қаратишди. Хусусан, сайловолди платформасида баён қилинган мажбуриятлардан келиб чиқиб, ҳар бир партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга оид парламент назоратини амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилиш ва бу борадаги ишларни партия нашрларида фаол ёритиб бориш, ушбу масалалар бўйича қизғин баҳс-мунозаралар уюштириб, электорат билан интерактив алоқаларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан бу борадаги ишларда самарадорликка эришиш учун қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан амалга оширилган назорат ишларини ОАВ орқали кенг ва муфассал ёритиш, бундан жамоатчиликни атрофлича хабардор этиб бориш мақсадга мувофиқлиги, энг муҳими, бу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиб, мониторинг ишларини юритиш зарурлиги таъкидланди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

*9 май — Хотира ва қадрлаш куни*



# Мангу уйғоқ хотира

Бахтиёр НАЗАРОВ,
"Ниқиқ"

Ўтган йилларда Ватанимиз юрагида жойлашган Мустақиллик майдони кўз ўнгимизда таниб бўлмас даражада гўзаллашди. Унинг ҳудуди ва теварагида кенг миқёсда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, ноёб меъморий бинолар, мажмуалар қад ростлади. Халқимиз озодлиги ва эркининг чинакам рамзига айланган Бош майдон ҳамиша юртдошларимиз билан гавжум. Айниқса, "Хотира ва қадрлаш куни"да ва ушбу сана арафасида бу муқаддас масканга келувчи зиёратчилар сиғмай кетади. Зеро, ўтганлар хотирасини ёд айлаш халқимизнинг эзгу қадриятлари саналади. Асрлар оша яшаб келаётган бундай эзгу амаллар бизга ота-боболаримиздан муқаддас маънавий меросдир.

Яқин ўтмиш тарихимиз саҳифаларини бирма-бир варақласак, инсоният бошига не-не кулфатлар ёғдирган, беҳад вайронагарчилик келтирган Иккинчи жаҳон уруши фожиалари, уруш қурбонлари хотирамизда қайта жонланади. Маълумотларда келтирилишича, фашизм деб аталган бало-қазони даф этишга Ўзбекистондан 1 миллион 430 минг 230 киши сафарбар этилган. 1941-45 йиллар мобайнида уларнинг 400 минг нафари ҳалок бўлган, 130 минги бедарак кетган. Лекин қирғинбарот уруш инсоният бошига солган қайғу-ситамлар кўламини рақамлар ёхуд сўзлар билан ифодалаб бўлармикин.

Собиқ шўролар замонида 9 май "Ғалаба куни" сифатида байрам қилингани ҳам ҳамон ёдимизда. Собиқ СССРнинг пойтахти ҳисобланмиш Москвадаги Қизил майдонда ва барча иттифоқдош республикаларнинг номлари бир-бирига эгизак марказий майдонларида шўролар салтанатини кўз-кўз қилувчи ҳарбий парадлар бўлиб ўтарди. Байрамнинг асл мафкуравий моҳияти ҳам шундан иборат эди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейингина бу масалани инсонийлик нуқтаидан баҳолаш имконига эга бўлдик.

Президентимизнинг тарихий хотира туйғусини тўлақонли тиклаш борасидаги ташаббуси республика жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланди. 1991 йилдаёқ Мустақиллик майдонини босқичма-босқич қайта барпо этишга қаратилган кенг кўламли режа ишлаб чиқилди. Мазкур режага мувофиқ илгариги "Номаълум солдат қабри" ёдгорлиги олиб ташланиб, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган ватандошларимизнинг хотирасига атаб ёдгорлик комплекси бунёд этилгани ҳаётимизда эсда қоларли воқеа бўлди. Мажмуа янгидан ўрнатилган "Мотамсаро она ҳайкали"ни ва урушда ҳалок бўлган Ўзбекистон фарзандларининг номлари ёзилган мемориал лавҳаларни ўз ичига олган. Бундан ташқари, кўплаб фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари ва изланишлари самараси сифатида уруш иштирокчиларига оид маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат "Хотира китоби" чоп этилди. Республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида эски майдонлар ўрнида хотира майдонлари ва боғлари ташкил этилиб, дилтортар масканларга айлантирилди.

Президентимиз Ислом Каримов фармони билан 9 майнинг "Хотира ва қадрлаш куни" деб эълон қилиниши халқимиз дилидаги истак-хоҳишларнинг ифодаси бўлди. Шу тариқа ушбу сана янгича маъно ва мазмун касб этди. Уруш қатнашчиларини ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасида давлатимиз томонидан доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Мунтазам равишда уруш қатнашчиларининг нафақа миқдорини ошириш, уларга кўрсатилаётган тиббий, маданий, маиший хизматлар сифатини яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Уруш қурбонлари хотирасини эъзозлаш, шундай дориломон кунларга етиб келганларининг ҳурматини жойига қўйиш, фахрийлар, ногиронлар, урушда боқувчисини йўқотган оилалар, ёрдамга муҳтож кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз саналади. Бу борада прокуратура органларида ибратли ишлар қилинаётгани эътирофга лойиқ.

Бир неча йилдирки, тизимда прокуратура фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Республика прокуратураси раҳбарияти ҳамда Марказ уруш қатнашчилари ва прокуратура фахрийларини ҳар томонлама ижтимой муҳофаза қилиш масалаларини эътибордан четда қолдирмаяпти. Айни кунларда улар иштирокида бир қатор тадбирларнинг ташкил этилаётгани бунга мисолдир.

Халқимиз тинчлик ва осойишталикни энг буюк неъмат сифатида ғоят қадрлайди. Хотира ва қадрлаш кунининг нишонланишида ҳам ана шундай теран маъно мужассасам. Фақат тинчлик шароитидагина инсоният жамики эзгу мақсад ва орзуларига етишиши мумкин. Давлатимизнинг тинчликсеварлик сиёсати ҳам айни халқимизнинг дилидаги мақсад-муддаоларига ҳамоҳанг. Ҳар биримиз ана шундай халқ фарзанди эканлигимиздан фахрланиб яшашга тўла ҳақлимиз.

# Инсон иродаси



Норбўта ГОЗИЕВ,
журналист

Салкам олти йил давом этган Иккинчи жаҳон уруши совет халқининг ғалабаси билан тугаганига 65 йил бўлди. Бу урушда жафо чекмаган, аламзада бўлмаган оила қолмади, ҳисоб. Қайтмаганлар йўлига маҳталлар, хат-хабарга зорлар ҳам оз эмасди. Шу туфайли ҳам бугунимиз учун курашган, юртимиз (истиқлолга эришгунимизга қадар бутун Совет Иттифоқини юртимиз деб билганмиз)нинг муқаддас тупроғига манфур ният билан бостириб кирган немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган аёвсиз жангларда иштирок этган, унда жон олиб, жон берган ҳар бир жангчининг номи, у қайси миллат вакили эканлиги, урушдан қайтган ёки қайтмаганлигидан қатъи назар, ёш авлод қалбидан сира ўчмайди. Чунки улар озодлик йўлида азиз жонларини аямадилар. Қишнинг қирчиллама совуғи-ю ёзнинг одамни бўғадиган дим ҳавосида ҳам душманга қарши эртаю кеч тинимсиз жанг қилдилар. Фақат совет халқини эмас, балки бошқа мамлакатлар аҳолисининг ҳам озодлиги йўлида курашиб, жаҳон майдонида фашизм қирон келтирган халоскорлар сифатида танилдилар. Улардан бири Қарши туманидаги Парғуза қишлоғида яшовчи Очил бобо Тошевдир. У 1939 йили ҳарбий хизматга отланган бўлиб, уруш бошланган пайтда Украинанинг Одесса ҳарбий округига қарашли Тераспол шаҳридаги батальонда тўпчи бўлиб хизмат қиларди. 1941 йил 22 июнь тонгида "Тревога" садолари остида уйғонган ҳарбий округ солдат ва зобитлари Молдова сари йўл олишди.

"Урушнинг номи ўчсин, — дея эслайди Очил бобо. — 1941 йил 27 июнда урушга кирдик. Осмон тимқора тутун билан қопланган. Ҳар қадамда уруш қурбонлари. Тўпларнинг ва қирувчи самолётларнинг овозидан замин ларзага келади. Мана шу даҳшатли манзара салкам етмиш йилдан буён сира хаёлимдан кўтарилмайди. Мислсиз жангда душман ҳам, биз ҳам катта талофат кўрдик. Қаро кунлар нималигини билмаган фашист газандаларининг дастлаб шашти ҳам, дасти ҳам баланд, ҳарбий тайёрлик жиҳатидан биздан устун, техникаси кўп эди. Шу туфайли жанг қилиб, аста-секин ортга чекина бориб Тераспол-га, сўнгра Одессага келдик. Шаҳар қамалда қолди. Шунинг учун душман билан қўл жангига киришишга мажбур бўлдик. Жанг қизигандан қизиди. Бир пайт қарасам, батарея командири, лейтенант Гардиенкога душманнинг икки аскари ташланиб, бири кекирдагидан бўғиб олган, иккинчиси аёвсиз ураяпти. Аввал бирини уриб йиқитдим. Сўнгра иккинчисини ҳам тинчитдим. Шу хизматим учун мени жанговар Қизил Юлдуз ордени билан тақдирлашди. 1941 йил 27 августдаги беаёв жангда чап елкамдан яраланиб, Сочи шаҳридаги госпиталда уч ой даволандим. Соғайганимдан сўнг Сталинград шаҳрида пулемёт-чилар батальони аскарларини жангга тайёрлай бошладим. Чунки бу пайтда фронтга Ўзбекистондан 200 мингдан ортиқ киши аскарликка олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Сталинградга жўнатилган эди.

Душман Москва остонасидаги мағлубияти учун қасос олиш мақсадида жуда катта қўшин ва жанговар техника билан 1942 йилнинг ёзида Сталинградга ҳужум бошлади. Гитлер бу жанг олдидан "Бу шаҳарни олишим билан мен Кавказ нефтини, Украина рудасини, кўмири ва ғалласини қўлга киритаман, советларни бўғиб ташлайман", деган экан. Сталинградни забт этиш учун бўлган жанглардаги портлашлар зарбидан ер похол ғарамидай лопиллайди. Снарядлар тупроқни шопириб кўтаради. Чанг-тўзон орасидан анор гули янглиғ қирмизи қуёш ора-чира хира нур сочади. Гала-гала душман самолётлари ёпирилиб, жангчиларимиз устига бомба ёғдиради.

Очил ака тайёрлаган аскарлар шундай оғир жангларда жон олиб, жон берсалар-да, ортга чекинишни хаёлларига ҳам келтирмадилар.

— Очил ака, нега сизлар урушда Ватан учун деб жангга киргансизлар? Ўзбекистон ортда, анча узоқда эди-ку, — деган саволимга у киши:

— "У пайтда биз бутун СССРни Ватан деб тушунганмиз. — Қолаверса, Гитлер агар мамлакатимизни босиб олса, вабо, ўлат, чечак сингари сунъий офат тарқатиб, осиёликларни буткул қириб ташлашни режалаштирган. Шу туфайли ҳам бизда ортга йўл йўқ эди" — деб жавоб берди.

Бир сафарги оғир жангдан сўнг жангчилар ҳордиқ чиқарар, кимдир хат ёзар, яна кимдир қуролини тозалар, хуллас, ҳар ким ўз иши билан овора эди. Шахдам қадамлар ташлаб ҳузурларига келган полк командирини ҳамма тик туриб қарши олди.

Командир ўзбек халқининг жангчи фарзандларига йўллаган хатини ўқиб беринг, деб Очил Тошевга "Правда" газетасини узатди. Орага жимлик чўкди. Фақат газетада босилган "Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртидан мактуби"ни ўз она тилида ўқиётган Очилнинг баланд овози эшитиларди:

"...Душманга қақшатгич зарба беринг, фашистларни Сталинград остонасида тўхтатинг. Улар қаерда олдинга интилаётган бўлса, ўша ерда тўхтатинг, бир қадам олға юришга йўл қўйманг, қонхўр жаллодларни улоқтириб, янчиб ташланг! Шуни ёдингизда тутинги, ҳозир Сиз бир қадам бўлса ҳам чекинадиган бўлсангиз, бу Ватан учун, жонажон Ўзбекистонимиз учун оғир оқибатлар келтириши мумкин".

Мактубдан руҳланган ва ғурур ҳисларини туйган ўзбек жангчилари фашист газандаларидан шафқатсиз қасос олишга, халқимиз шаънига доғ туширмасликка қасамёд қилдилар. Очил ҳам ёвуз душмандан ўч олиш истаги билан ёнар, унинг юрагида ёвга нисбатан чексиз нафрат қайнаб тошарди.

1943 йил бошида беш кишини уч ойлик командирлар тайёрлаш курсига ўқишга юборишди. Улар орасида Очил Тошев ҳам бор эди. Ўқиш тугагач, уларга лейтенант унвонини берилиб, Орёл-Курск ёйидаги 277-Карелия Қизил Байроқ орденли полкининг 175-Орёл дивизияси 70-Ички ишлар армиясига хизматга жўнатилдилар. Фашист газандалари Орёл-Курск ёйини қуршаб олиш ниятида эканлиги туфайли бу ерга икки томондан ҳам катта қўшин ва ҳарбий техника тўпланди. Мисли кўрилмаган ва аёвсиз жанг бўлди. Биргина Прохоровка қишлоғини ишғол қилиш учун бўлган жангда икки томондан икки мингга яқин танк қатнашди. 1944 йил июль ойининг охирлари эди. Қишлоқнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган бир объектини олиш учун оғир жанглар борарди. Бизникилар ҳам анча талофат кўрган, қанчадан-қанча техника шикастланган, бомба ва снарядлар ўйиб ташлаган чуқурликларда ҳали дафн этилмаган мурдалар ётар, медсанбатга жўнатилмаган ярадорлар инграб мадад сўрар, жуда ҳам даҳшатли манзара юзага келган бўлиб, гўёки уруш ўзининг бутун қабоҳатларини намойиш этаётгандай туюларди. Душманнинг ҳимоя чизиғини ёриб ўтиш учун қайта-қайта қилинган ҳаракат бу гал ҳам самара бермади. Айниқса, тик қиялик бағридаги амбразурадан бетўхтов ёғдирилаётган ўқ жангчиларимизни ҳийла эсанкиратиб қўйганди. Ана шу лаънати ўқ нуқтасини йўқ қилиш Очил Тошевга топширилди. У пулемётнинг овозини ўчириб, орқага қайтаётганида чап оёғидан яраланди.

"Ура!" садолари янграб, унинг қуролдошлари ҳужумга отландилар. Жасур жангчи Очил Тошев ўша жанговар топшириқдан сўнг узоқ вақт госпиталда даволанди.

Очил Прохоровка қишлоғини озод қилиш учун бўлган жангдаги матонати учун 2-даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Госпиталда даволаниб чиққач, Очил 1-Белоруссия фронти 91-полки 18-армиясининг пиёдалар қўшинида хизмат қилди. Қўшинни Сож дарёси (Днепрга қўйилади)дан беталофат кечириб ўтказишдаги хизматлари учун 1944 йил декабрда уни 1-даражали Ватан уруши ордени билан тақдирлашди.

/Давоми 12-бетда/



# Яхшиларни эъзозланг

Мирзамурат ТИЛЕУМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори катта ёрдамчиси
Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
"Нидиқ"

Ёзувни, у орқали китобни кашф қилган — инсон. Шеърлар, ҳикоялар, қиссалар ижодкори — инсон. Регистон мажмуаси, Тожмаҳал сингари ҳайратомуз иморатлар бунёдкори — инсон. Шу билан бирга башарият тарихидаги не-не қирғинлар сабабчиси ҳам одам боласидир. Инсоният яралгандан неча минг, миллион йиллар ўтган, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш тўхтамаган бўлсада, эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонишига, яхшилар номи халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмаслигига умиду ишонч билан яшаймиз.

Дарҳақиқат шундай. Хотира - муқаддас, қадр абадий. Буни 9 майнинг юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланишида ҳам кўриш мумкин. Инсоният бошига қанчадан-қанча кулфатларни келтирган Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Минглаб йигитларимиз жанггоҳларга отланган бўлса, миллионлаб юртдошларимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилишди. Улар сизу бизнинг оталаримиз, боболаримиз, оналаримиз, момоларимиз. Уларнинг барчаси эл-юртнинг ҳурмату эҳтиромига лойиқ инсонлар. Шу ўринда урушдан кейинги тикланиш йилларида халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидоийларча меҳнат қилиб, биз кўрган қийинчиликларни болаларимиз, набираларимиз кўрмасин дея иқтидорини, куч-ғайратини Ватан равнақига бахшида этган юртдошларимиз хотирасини ёдга олиш бурчимиздир. Бундайлар Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларида ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Д.Ўжраев, Т.Халмуратов, Е.Ўтамбетов ва бошқалар мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, эл юрт осойишталигини таъминлаш йўлида кўп йиллар самарали меҳнат қилишган. Уларнинг сафдошлари, издошлари бўлмиш Н.Абдуллаев, С.Дўспанов, Н. Ханназаров, М.Ильясов, Ж.Халиллаев, М.Қурбонбоев (марҳум), М. Холмуратов, Г.Бобожонова, А.Ўразбоевлар ҳозир пенсияда бўлишларига қарамай, ҳамон маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан ёш ҳамкасбларига мададкор бўлишмоқда.

Устозини қадрлаган, ҳеч қачон кам бўлмайди. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари уларни доимо йўқлаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, дуоларини олишмоқда. Хотира ва қадрлаш куни арафасида эса бундай йўқловлар алоҳида аҳамият касб этади.

Шу кунларда байрам муносабати билан турли меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, таълим муассасаларида уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, туман, шаҳар прокуратураларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда қатнашган фахрий устозлар, прокуратура ходимларига Президентимизнинг Фармонига мувофиқ юбилей медали ва ҳукуматимизнинг пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Ёшларни ватанпарварликка, юрт равнақи учун фидокорона меҳнат қилишга, яхшиларнинг қадрига етишга ундовчи бундай тадбирлар давом этмоқда.

# Ибратга айланган умр

***Ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларини босиб ўтган, тинчлик, саодатли кунлар учун жанг қилиб, ўт-олов кечиб, халқимизнинг фаровон яшаши учун фидойилик кўрсатган фахрийларимиз ҳамиша эл-юрт эъзозида. Ана шундай меҳридарё, камтар, саховатпеша инсонлардан бири Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, прокуратура фахрийси Салим Ҳамроевдир.***



**Саид ШОДИЕВ,**
Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази Бухоро вилоят бўлими раиси

Салим Ҳамроев Ғиждувон туманидаги "Манғитон" қишлоғида таваллуд топди. Унинг болалиги отаси қулоқ қилинган, кейинчалик ҳақиқат ғолиб чиққан йилларга тўғри келди. Ота-она олти нафар ака-сингилларни қийинчилик билан улғайтиришди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганида акалари фронтга кетди. 1944 йил сентябрда ўзи ҳам фашист босқинчиларига қарши жангга отланди.

Семипалатинск шаҳрида ўтган қисқа тайёргарликдан сўнг Белорус фронтига бориб, жангга кирди. Оловли йилларда турли миллат вакилларига мансуб тенгқурлари билан Варшавани қонхўрлардан озод қилишда иштирок этди. Ўзбек жангчиси Берлинни штурм қилишда ҳам фаол қатнашди.

Салим Ҳамроев жанглардаги жасурлиги учун 2-даражали Улуғ Ватан уруши ордени, "Варшавани озод этганлиги учун", "Берлинни озод этганлиги учун" ва бошқа бир қатор медаллар билан тақдирланган.

1950 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, Бухоро шаҳрида ўрта маълумот олди. Бир муддат ички ишлар тизимида хизмат қилди. Ўша пайтлардаги ёшлар ташкилотида чиникди.

Қонунчиликка ҳавас, адолат посбони бўлиш истаги уни 1953 йилда Самарқанд Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик бўлимига етаклаб келди. Талабалик даври кўз очиб юмгандай ўтиб кетди. Салим Ҳамроев таҳсил олибгина қолмай, жуфтиҳалолини ҳам шу даргоҳдан танлади. Жамбуллик Сора Иброҳимовага кўнгил қўйиб адашмаган экан. Муҳаббат уларнинг қалб ардоғига айланди. Бугун улар уч қиз ва ўғилнинг бахтидан масрур. Йигирмадан зиёд невараларга суюкли, пири бадавлат, меҳрибон бобо ва буви бўлиш бахтига муяссар бўлишган.

Салим ака Ҳамроев ўқишни тугатгач, Ғиждувон туман прокуратурасида терговчи сифатида иш бошлади. Ёш, изланувчан ходим 1960-1964 йиллар мобайнида Қоракўл тумани, Бухоро шаҳри ва вилоят прокуратурасида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Билими ва касбий истеъдоди билан нималарга қодирлигини амалда исботлади.

1964 йилдан 1986 йилгача Вобкент, Шофиркон, Файзулла Хўжаев туманларида прокурор лавозимларида виждон амрига қулоқ солиб, ҳалол ишлади. У қайси туманда прокурорлик лавозимида ишламасин, ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги, ёшларга меҳри ва ғамхўрлиги боис эл орасида катта обрў-эътибор қозонди.

Тажрибали ҳуқуқшунос ҳаётининг унутилмас, ёрқин из қолдирган, нурли саҳифалари турли туманларда прокурорлик қилган йилларга тўғри келади. Унинг малакали кадрлар тайёрлашдаги улкан хизматларини алоҳида эътироф этмоқ даркор.

Салим ака иш фаолиятида яхшиларга ёндашиб, устозларга эргашиб кам бўлмади. Остон Турсунов, Умарқул Усмонов, Саҳоб Рашидовлардан ҳам сабоқ, ҳам дуо олди. Талабчан устозлар қўлидан тутиб, неки ололган бўлса, қўл узатган шогирдларига ҳам одилликни, камтарликни, касбга эътиқодли бўлишни, ҳазрати инсон манфаатини улуғлашни раво кўрди. Мавжуда Ражабова, Саид Шодиев, Муҳиддин Воҳидов, Мубина Ғаниева ва яна неча-неча прокуратура тизимида ишлаб нафақага чиққан, ҳозирда устоз ўгитларига амал қилиб фаолият юритаётган ходимларнинг иқболини кўриб Салим ака қувончларини ичига сиғдиролмайди. Устоз улар билан фахрланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Салим Ҳамроев ҳаётида умрбод ёддан чиқмайдиган воқеа содир бўлди. У Белорус Республикаси мустақиллиги куни ва немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 65 йиллиги муносабати билан Республика Президенти Александр Лукашенконинг имзоси билан табрик хати олди. Белорусиянинг Ўзбекистондаги элчиси И.С.Сокол имзолаган "Белорус Республикасининг немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 65 йиллиги" юбилей медали билан тақдирланганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олишга сазовор бўлди.

Табрик хати ва медални олиш ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан биридир, - дейди прокуратура фахрийси Салим Ҳамроев. - Бу воқеа менинг хотирамда бир умр муҳрланиб қолади. Оловли йўллар ва йиллар гувоҳи бўлдим. Оллоҳ шу кунларга етказганига беадад шукр қиламан. Одам боласига парвардигор тўзим берса, ақлу эътиқод ато этса, у эзгу ишларга ҳамиша қодир.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида "Хотира ва қадрлаш куни" янги мазмун билан бойиди. Хотира ва қадрлаш миллий ўзлигимиз, урф-одатларимиз, тарих ва маънавиятимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Жисмонан тетик, фикран зийрак, аъло кайфиятда яшаш, ёшларга ўгит бериш бахти Сизни тарк этмасин, Салим ака! Сермазмун ҳаётингиз ибрат йўлига айланаётганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

# Умрим сенга бахшида, халқим!



Мухтор ака турмуш ўртоғи Санобар ая билан

***Кўксини иккита "Ватан уруши", учинчи ва иккинчи даражали "Шуҳрат" орденлари, "Берлинни олиш" ҳамда "Прагани озод қилиш" каби йигирмадан ортиқ орден ва медаллар безаб турган Мухтор Расулов урушдан қайтгач, олдига қўйган мақсади сари интилди. Тинмай ўқиди, изланди. Меҳнатлари бесамар кетмади. Бугун у киши Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг профессори, иқтисод фанлари доктори бўлиш билан бирга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" ҳамдир. Ёшларга сабоқ бериб келмоқда. 200 дан ошиқ илмий асарлар, жумладан, 16 та монография ва дарсликларнинг муаллифи бўлган домла 30 нафардан кўпроқ фан номзоди ҳамда 4 нафар фан докторига устозлик ҳам қилди.***

**Ғофуржон АЛИМОВ,**
"Нидиц"

Ёшинг улғайгани сайин беихтиёр ортга, ўтган умрингга назар ташлар экансан. Ғоҳида болалик хотиралари кўз ўнгингда жонланади. Уларни соғинч билан қўмсайсан. Вақт эса тиним билмайди. Учқур отдек елиб кетаверади.

Кечагидай эсимда, телевизорда уруш ҳақида кино намойиш этилса, ҳам болаларча қизиқиш, ҳам қандайдир ҳадик билан томоша қилсак, кўча-кўйда ҳарбий кийимдагиларга кўзимиз тушса, ҳавас билан кузатардик. Ўшанда Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига эндигина 20-25 йилча бўлган экан. Аммо шундай бўлса-да, унинг жароҳатларию асоратлари ҳали ўчмаган эди. Аммо биз, болалар буни тушунмасдик. Фильмни томоша қилиб бўлгач, ёғочдан милтиқ автомат ясаб, "уруш-уруш" ўйнар эдик.

Мана, момоларимиз оналаримиз "Номинг ўчсин, уруш!" дея лаънатлаган ўша қирғин-баротнинг тугаганига ҳам 65 йил бўлибди. У кунлар ўтмишга айланди. Шукрлар бўлсинки, бугун тинч, осуда ҳаёт кечирмоқдамиз. Бизга ана шу тинчликни инъом этишда жон олиб, жон берган, порлоқ келажагимиз учун курашган аждодларимизнинг ҳамон сафимизда эканликларини кўриб, кўзимиз қувонади. Бироқ тан олиш керак, гоҳ ишни, гоҳида эса бошқа бир юмушни баҳона қилиб, уларнинг ҳолидан доим ҳам хабар ололмаяпмиз.

Буни қарангки, шундоққина ёнимдаги подъездда истиқомат қиладиган Мухтор аканинг ҳам урушда қатнашганини билардиму, салом-аликдан нарига ўтмаганман. Байрам баҳона куни кеча у кишининг хонадонига бўлдим. Бироз суҳбатлашдик.

— Ўшанда эндигина 19 ёшга тўлган эдим, — дея хотирлайди Мухтор ака. — 1940 йилда Тошкент педагогика билим юртини эндигина тамомлаб, Паркентга ишга юборилган пайтимда ҳарбий хизматга чақирилдим...

Ёш Мухтор Воронеждаги авиация мактабида ўқигач, хизматни давом эттириш учун Моршанск шаҳрига юборилади. Ҳарбий хизмат маромида кетаётган бир пайтда уларни тревога билан уйғотишди. Бу кун бир умр унинг ёдида қолди. Уруш бошланган эди.

Кўп ўтмай Смоленск томон учишди. Шаҳар ҳимояси учун авиациянинг ёрдами зарур эди. Тез орада ҳақиқий жанговар топшириқ олинди. Кечагина немислар қўлига ўтган шоссега ҳужум қилиниши ҳақида буйруқ берилди.

Мана, эртага Мухтор биринчи марта порох ҳиди билан қопланган осмонга кўтарилади. У энди оддий курсант эмас, ўқчи-радист. Шу кеча эрта ётган бўлса-да, анча вақтгача ухлаёлмади. Хаёлида фақат эртага бўладиган жанг. Тонгга яқин кўзи илинибди...

Самолётлар кетма-кет осмонга кўтарилди. Марраға яқин қолишганда душманнинг қирувчи самолётлари пайдо бўлиб, ҳужум қила бошлашди. Уларга қарши ўт очишар экан, иккита қирувчи самолётларимиз ёрдамга келди. Осмони фалакда ўзига хос жанг бошланди. Қийинчилик билан бўлса-да, топшириқни бажаришди. Кечки пайт командир жанговар вазифа бажарилгани билан ҳаммани табриклади. Аммо улардан битта, биринчи гуруҳдан эса учта экипаж қайтмабди. Мухтор уруш даҳшатини ўша куни биринчи бор тўлиқ ҳис этди.

Уруш талофатсиз бўлмайди. Тўртинчи марта осмонга кўтарилишганида душман қирувчилари чап моторни ёндириб юборишади. Вазият шунчалар қалтис эдики, ё парашютда сакраш, ёки тезроқ қўниш керак эди. Самолёт ҳар дақиқада портлаб кетиши мумкин. Шундай бўлса-да, экипаж аъзолари қўнишга қарор қилишди. Ғилдираклар ерга тегиб, самолёт тўхташи билан ундан имкон борича узоқлаша бошлашди. Хайрият улгуришди. Айни шу дақиқада кучли портлаш юз берди...

Умуман олганда бундай учишларнинг сон-саноғи йўқ эди. Аммо бир галги парвоз Мухтор учун сўнггиси бўлишига оз қолди.

— 1942 йилнинг қиши эди, — деб ўша воқеани эслайди Мухтор ака, — қор жуда кўп ёққан. Бизга топширилган навбатдаги вазифага кўра, фронт чизиғидан узоқ жойга боришимиз белгиланган. Бутун оралиқ бўйича об-ҳаво хабари, темир йўлдаги ҳаракатлар тўғрисида ахборотлар етказиш билан бирга, икки темир йўл бекатининг суратини ҳам олишимиз керак эди. Бу сафар қирувчи самолётларнинг ёрдамисиз учишимиз ҳақида огоҳлантиришди. Устига-устак 4 та 50 килограммлик бомбалардан ҳам олганмиз. Хуллас, фронт чизиғига яқинлашиб, белгиланган объектларни суратга олишни бошлаган ҳам эдик, зениткалар ишга тушди. Аммо улар бизга талофат етказа олишмади. Темир йўл бекатини суратга олиб бўлишимиз билан, узоқдан немисларнинг икки қирувчи самолёти кўринди. Шоша-пиша бомбаларни ташладик. Улар ҳам ҳужумга ўтишди. Анча вақтгача бир-биримизни ўтга тутдик. Бир пайт ўнг мотор ёна бошлади. Кўп ўтмай иккинчиси ҳам шикастланди. Учувчимиз самолётни шу заҳоти пастлата бошлади. Баландлик саккиз юз метрга етганда фронт чизиғига яқинлашиб қолган эдик. Душман қирувчилари бизни барибир портлаб кетади, деб ўйлашди шекилли, ортга қайтишди.

Нима қилишни билмасдик. Охири ўзаро келишиб, ўзимизникилар томонга етиб олишга қарор қилдик. Самолёт пастлай бошлаганда, парашютни тайёрлаб қўйдим. Ҳар дақиқада сакрашга тайёрман. Олов энди биз томон яқинлашиб келарди. Энг қўрққан нарсамиз ўрта марказий бакдаги 500 литр ёқилғи эди. Агар аланга биз қўнгунимизча унга етиб келса борми...

Фронт чизиғидан ўтишимиз билан ерга қаттиқ урилганимизни биламан. Ҳушимдан кетибман. Кўзимни очсам, ертўладаман. Эгнимдаги комбинезон, бошимдаги шлем, оёғимдаги унтилар йўқ. Маълум бўлишича, самолёт ғилдираксиз қўндирилгани боис, ерга зарб билан урилган экан. Радиоприёмник узилиб, кўкрагимга зарб билан урилгани сабабли ҳушимдан кетибман. Шу пайт марказий бак портлаб, мени ўн метрдан узоқроқ жойга улоқтириб юборибди. Алангa таъсирида қор эриб, сувга айланган. Самолётга яқинлашиш имкони туғилиб, мени топишганда сув ичида қолиб, музлай бошлаган эканман. Танам музга ёпишиб қолгани учун кийимларимни йиртиб, суғуриб олишибди.

Госпиталда анча даволандим. Бир йил давомида турли яра-чақалардан азобландим...

Мухтор ака шуларни ҳикоя қилар экан, гарчи икки йил ҳарбий хизматни ўтаган бўлсам-да, эшитиб, очиғи сесканиб, этларим жимирлаб кетди. Менинг ҳолатимни кўриб, у киши мийиғида кулиб қўйди. Хайрлашиш олдидан Мухтор ака 1945 йилнинг 29 апрелида Берлин устидан учганини Потсдамни суратга олганини ҳам фахр билан эсга олди. Шунчалар даҳшатли воқеаларни бошидан ўтказган бўлса-да, яна кулимсираганча хотиржам ўтирган отахоннинг иродасига яна бир бор тан бердим...

# Ҳар бир мурожаат эътиборда

Собир УМАРОВ,
Бухоро шаҳар прокурори
М.ХУСАИНОВА, журналист

"Ҳар бир инсон бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт", дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида. Ушбу конституциявий қоида давлат органлари ва мансабдор шахслар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Бухоро шаҳар прокуратураси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда асосий эътиборни фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига қаратиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний чоралар кўриб келмоқда.

Чунончи, Бухоро шаҳар "Кўксарой" кўчасида яшовчи фуқаро Карим ҳамда Шафоат Ражабовлар шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, "Бухоро дон маҳсулотлари" ОАЖ томонидан уларга ногиронлик нафақалари тўланмасдан келинаётганлигидан норозилик билдириб, нафақа тўловларини ундириб беришда ёрдам сўрашган. Прокуратура аралашуви билан Ражабовларнинг жами 1 миллион 333 минг 543 сўмлик нафақа пулларининг тўланиши таъминланди.

"Бухоро Юксалиш" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатидан 2009 йил декабрь ойи учун иш ҳақини ололмай овора бўлган фуқаро М.Бекмуродов ҳам прокуратурага мурожаат қилишга қарор қилган. Ушбу ариза ҳам қаноатлантирилди. М.Бекмуродовнинг 160 минг сўм иш ҳақини ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судига даъво аризаси киритилиб, иш ҳақи тўловларини ўз вақтида амалга оширмасдан келган ширкат раиси ҳамда бош ҳисобчисига нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Бошқа бир мисол. Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчасида яшовчи Р.Ғафурова "Ипотекабанк" АИТБ Бухоро вилоят филиалига "Юксалиш" ширкати ҳисоб рақамига ўтказиш учун 82911 сўм тўлаган. Бироқ ушбу пул кассирнинг айби билан "Иссиқлик манбаи" корхонаси ҳисоб рақамига нотўғри ўтказиб юборилган. Ширкат эса фуқарога қарз ва пеня ҳисоблаб уни қарздор қилиб қўйган. Бировнинг хатоси учун товонга қолаётган Р.Ғафурова норозилик билдириб прокуратурага арз қилди.

Мутахассис жалб қилган ҳолда аризани текшириш давомида важлар ўз тасдиғини топди. 82911 сўмлик тўлов "Иссиқлик манбаи" корхонаси ҳисоб рақамидан тўлов топшириқномасига асосан ширкат ҳисоб рақамига кўчириб берилди. Меҳнат интизомини бузган банк назоратчи кассирига нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жорий йилнинг 1-чораги мобайнида шаҳар прокуратурасига турли мазмунда жами 389 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Бевосита шаҳар прокуратураси тезкор ходимлари томонидан 153 таси кўриб чиқилди. 203 таси тегишлигига бўйича кўриб чиқиш учун бошқа муассасаларга юборилди.

Келиб тушган аризалар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 62 тага ёки 19 фоизга ошган. Бунга сабаб корхона ва ташкилотлар мутасаддилари томонидан биринчи мартаба келиб тушган ариза ва шикоятларни дарҳол қонун доирасида ҳал қилмасдан эътиборсиз қолдирилишидир. Оқибатда ариза муаллифлари шикоятни такроран ёзишга мажбур бўлишмоқда.

Шаҳар прокуратураси прокурор-тезкор ходимлари фуқароларни бевосита корхона, муассаса, ташкилот ва ўзини-ўзи бошқариш идораларида қабул қилишни йўлга қўйишди. Ўтказилаётган мулоқот, савол-жавоб соатлари ўз самарасини бермоқда.

# Дарахтлар нега кесилди?

Қ. БЕКМИРЗАЕВ,
Зарбдор туман прокурорининг ёрдамчиси

"Табиат инсониятнинг онаси", дейишади файласуфлар. Бу ҳикматда чуқур мазмун яширинган. Атрофимизни ўраб турган яшил олам бўлмаганида, балки инсоният ҳам яратилмаган бўлармиди. Зеро, биз ундан нафас оламиз, гўзалликларидан қувонамиз, ажойиботларидан ҳайратга тушамиз, танти қилиқларидан сабоқ оламиз. Шу боис башарият табиатни асраш, уни муҳофаза қилишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Ҳар бир давлатда бу қонунлар йўли билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда ҳам шу соҳада "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ва бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

"Электр тармоқлари корхонаси" раҳбари З.Шералиев эса ана шундай қонун талабларини бузди. У шу йил 15 январь куни корхона ҳудудидаги 29 туп теракни ўзбошимчалик билан қўпортириб ташлади. Бу билан масъул раҳбар "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 10, 15, 28-моддалари талабларини бузилишига йўл қўйди. Келтирилган зарар мутахассислар ёрдамида ҳисоблаб чиқилганда 3.602.208 сўмни ташкил этгани маълум бўлди. Энг ачинарлиси, ҳовлига соя ташлаб, табиатни яшнатиб турган дарахтларни тиклашнинг энди иложи йўқ, улар бир раҳбарнинг айби билан ўтинга айланди.

Бўстон шаҳарчаси "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро А.Мадраҳимов, К.Норқўзиевлар ҳам қонунбузарликка йўл қўйдилар. Улар "Жиззах-Қўқон" катта йўл ёқасидаги давлат ҳимоясидаги жингилзорларга болта кўтариб киришди.

Халқимизда дарахт эккан, боғ барпо этган киши элнинг ҳурматини қозонади, деган гап бор. Дарахтнинг соясидан дам олган, мевасидан тотиган кишининг савоби баракали бўлади. Биз юқорида номларини тилга олган шахслар табиатга зарар келтиришаётганда шуни ўйладилармикин?!

# Пишмаган савдо

Парвиз МАМЕДОВ,
СВОЖЖДЛКҚ Департаментининг
Самарқанд вилоят бошқармаси
инспектори

Порахўрлик жиноят эканини, уни содир этганларга тегишли жазо борлигини биламиз. Аммо ҳамма ҳам бу жиноий қилмишдан ўзини тиявермайди. Нафсига қул бўлганлар эса осон тузоққа тушиб қолади.

Хўжамберди молларини қаровсиз қолдиргани учун улар акасининг томорқасини пайҳон қилди. Шундоғам келишмай юрган ака-укалар роса жанжаллашишди. Улар ўртасидаги зиддият кундан-кунга авж ола бошлади. Орадан кўп ўтмай арзимаган нарса сабаб Хўжамберди хотини Гулбаҳор билан акаси Рўзибойнинг қизи Севарани урди.

Шундан сўнг ака-ука туман ИИБга бир-бирининг устидан арз қилишди. Иш судга оширилгач, Рўзибой жаримага тортилди. Бундан ташқари, туман ИИБ томонидан Севарага нисбатан тўпланган ҳужжатлар туман ҳокимиятига, у ердан вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга юборилди. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг масъул котиби Қобил Мусаев Севаранинг ҳужжатларини олгач, ўзича антиқа режа ўйлаб топди.

У сентябрь ойининг охирларида Рўзибойни сўраб уйига борди. Ўша куни Рўзибой ҳам, унинг қизи Севара ҳам уйида йўқ эди.

— Эрингиз келса айтинг, қизингиз Севаранинг устидан милиция ходимлари материал қилиб беришган, ишни кўриб чиқиш керак, жаримаси жуда катта бўлади. Қизингиз ўқийдиган коллежга юборилса, у ўқишдан ҳайдалиши мумкин. Бундан ташқари, бу ҳол қизингизга иснод бўлади, турмушга чиқишига ҳам тўсқинлик қилади. — деди Қобил Мусаев.

— Вой, унда биз нима қилишимиз керак? — шошиб қолди Рўзибойнинг хотини.

— Зудлик билан эрингиз менга учрашсин, мана телефон рақамим. — Қобил Мусаев аёлга телефон рақамини бериб кетди.

Ҳусния эри келгач, бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳаяжонланиб гапириб берди.

— Тинчлан, унчалик ваҳима қиладиган жойи йўқ, ўзим у билан учрашаман, — деди Рўзибой.

Орадан икки-уч кун ўтгач, Рўзибой Севарани касалхонага олиб борди. Қайтишда туман ҳокимиятига кириб, Қобил Мусаевга учрашди.

— Қизингизнинг жаримаси энг кам ойлик иш ҳақининг 20-30 баробари миқдорида бўлади. Бу 700.000 сўмдан ошади. Бундан ташқари, қизингизнинг ўқишига хабар қилинади, уни ўқишдан ҳайдашади. Шунингдек, қизингизни милицияга ҳисобга қўйишади, бу эса келгусидаги ҳаётига ёмон таъсир қилади, — деди Қ.Мусаев.

— Ака, ўзи шундоғам қийналиб кетдим, менга ёрдам беринг, — деди Рўзибой унинг гапларидан ваҳимага тушиб.

— Майли ёрдам қиламан, фақат менга 700.000 сўм олиб келасиз.

— Қизим таёқ еган бўлса, у ҳам жабрланиб, ҳам шунча пул тўлаши керакми? — деди Рўзибой жаҳл билан.

Шу пайт ташқарида Севаранинг тоби қочиб, отасини чақириш учун эшикни очди ва уларнинг сўнгги гапларини эшитиб қолди.

— Пулни келтиринг, кейин келишамиз, — деди Қ.Мусаев.

Емаган сомсага пул тўлашни истамаган Рўзибой бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Шундан сўнг у яна Қ.Мусаевга учрашди.

— Ака, ҳеч иложим йўқ, пулни сал камайтиринг, — деди Рўзибой суҳбат чоғида.

— Майли, унда шунча олиб келинг, — деб беш бармоғини ёзиб кўрсатди.

— Менга беш юз минг ҳам оғирлик қилади, — деди Рўзибой.

— Унда уч юз минг сўм олиб келинг.

— Ака, икки юз эллик минг сўм бераман, яна чой ҳам қилиб бераман, йўқ деманг.

— Олиб келинг қани, кўрамиз, — деди Қ.Мусаев.

Келишилган кун Рўзибой Қобил Мусаев айтган сомсахонага борди.

— Ака, бир шиша ароқ билан пиво олинг, саунага борамиз, — деди Қ.Мусаев.

Рўзибой бир шишадан ароқ ва пиво олди. Улар сомсахонадан чиқиб, туман касалхонаси ёнидаги ошхонага киришди. Қобил Мусаевнинг меҳмонлари келиб қўшилгач, одам кўпайиб кетди.

— Ака, мен кетишим керак, уйга бормасам бўлмайди, пулни олиб келдим, — деди у Қ.Мусаевни чеккароққа тортиб.

Рўзибой унга 100 доллар ва 60 минг сўм берди. Ўртадаги савдо тугагач, Қ.Мусаев пулларни чўнтагига соларкан:

— Қариндошларингизга ҳеч нарса деманг, ўзим ҳал қиламан, — деб хайрлашди.

Аммо унинг қувончи узоққа чўзилмади, танишларини ҳам тузукроқ меҳмон қилолмади. Пора устида қўлга олинган Қобил Мусаев суд қарори билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, икки йилга моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан айрилди.

# Муҳим тадбирлар

Н.ҲАЛИМОВ,
Жазони ижро этиш муассасаларида қонунлар ижроси устидан назорат бўйича Навоий прокуратураси иш ўрганувчи терговчиси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлади. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан бири — жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Мустақил ватанимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунга қадар қабул қилинган қонунлар инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилмоқда.

Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли 46-ЖИЭКнинг ёзги томошагоҳида "Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият", "Жаҳолатга қарши маърифат", "Огоҳлик - давр талаби", "Юксак маънавият - енгилмас куч" мавзуларида колонияда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жазони ижро этиш муассасаларида қонунлар ижроси устидан назорат бўйича Навоий прокурори, адлия маслаҳатчиси Ш.Насуллоев, колония маъмурияти вакиллари ҳамда махсус контингентдан 1050 нафар маҳкумлар иштирок этдилар.

Маълумки, жазони ижро этиш колонияларининг асосий мақсадларидан бири адашган инсонни қайта тарбиялаб, ўз оиласи бағрига, жамиятга қайтаришдир. Тадбирда сўзга чиққан жазони ижро этиш муассасаларида қонунлар ижроси устидан назорат бўйича Навоий прокурори Ш.Насуллоев ўз маърузасида юртимизнинг тинч ва осойишталиги, фаровон ва ободлиги қабул қилинган ва қилинаётган қонунларнинг ҳаётий эканлигига, уларнинг умуминсоний демократик принципларга асосланганлигига эътибор қаратди.

Асосий қонунимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида "демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", дейилган. Шунга асосан, истиқлолга эришилган кунданоқ инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, тегишли бир қатор ҳужжат ва қонунлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси бир қанча халқаро қонун ва конвенциялар, декларацияларни ратификация этиб, уларга қўшилган.

Шунингдек, нотиқ бу соҳада бир қатор давлат ташкилотлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий мониторинг маркази ва бошқа ташкилотлар фаолият юритаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Маҳкумларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масаласи мамлакатимиз ҳукумати, Олий Мажлис, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, прокуратура ходимларининг диққат марказидадир. Улар томонидан тез-тез жазони ижро этиш тизимидаги муассасаларга ташрифлар уюштирилиб келинади. Ташриф чоғида улар колония фаолияти, махсус контингентнинг яшаш шароитлари ҳамда ҳуқуқларининг таъминланишга оид олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлиги, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, санитария-гигиена ишлари билан танишадилар. Қонунбузарлик ҳоллари, маҳкумлардан келиб тушган ариза ва шикоятлар атрофлича текширилиб, ўрганиб борилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, маънавият, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, огоҳлик мавзуларида ўтказилаётган бундай тадбирлар, давра суҳбатлари жазо ўтаётган маҳбусларнинг келажакда тўғри йўлни танлаб, жамиятда ўз ўрнини топишларида муҳим ўрин тутади.

2010 йил — Баркамол авлод йили

# Баркамол авлод ҳақида ғамхўрлик

**Холмурод БАҲРОНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда анъанага мувофиқ равишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил мамлакатимизда "Баркамол авлод йили", деб эълон қилинди. Йилларга муайян ном беришдан асосий мақсад - маълум бир соҳага барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва жамоатчилик эътиборини қаратиш, уларнинг куч ва имкониятларини сафарбар этишдан иборатдир.

Давлатимизнинг мустақилликка эришиши натижасида мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида собитқадамлик билан демократик ўзгаришлар ва кенг ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур ислоҳот ва чора-тадбирларнинг асосий ўзагини ташкил этадиган ҳал қилувчи омил — ҳар жиҳатдан баркамол авлодни, мамлакат келажагини яратувчи замонавий ёшларни тарбиялаш ҳисобланади. Зеро, Президентимиз ҳақли равишда ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, "Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунга қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиздир".

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жисмоний ва маънавий етук ёш авлодни камол топтиришга давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралди. 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ҳам бунинг ёрқин ифодаси ҳисобланади. Қонунда белгиланганидек, ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Конституциямизда ҳам баркамол авлод тарбияси, ёшлар ҳуқуқларининг кафолатига оид бир қанча нормалар ўз аксини топган. Хусусан, "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида" эканлиги (45-модда), "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши" (65-модда) кафолатланган.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан юқори салоҳиятга эга баркамол авлодни шакллантиришда таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга асосий эътибор қаратилди. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда "кимки бир ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса - бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар". Конституциямизнинг 41-моддасида кафолатланган "Ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқини" амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни асосида мамлакатимизда ривожланган давлатлар қатори замонавий ва самарали таълим тизими яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги 3431-сонли Фармони билан тасдиқланган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида ҳам мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш, мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш юзасидан улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ишларнинг молиявий базасини мустаҳкамлаш мақсадида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 263-сонли Қарори билан Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Шунингдек, қобилиятли ёшларни рағбатлантириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ўқувчиларни, талабалар ва аспирантларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб тақдирлашни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 226-сонли Қарори қабул қилиниб, ўқувчилар, талабалар ва аспирантларни турли давлат стипендиялари орқали рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Шу ўринда айтиш керакки, 2010 йил учун тасдиқланган давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда айнан таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган. Давлатимиз томонидан айнан келажак авлоднинг соғлом дунёга келиши ва ривожланиши юзасидан оналар ва болалар саломатлиги доирасида турли лойиҳалар амалга оширилди.

Соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада жонлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1096-сонли Қарори қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги 1144-сонли Қарори билан 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тасдиқланиб, ушбу Дастурда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб олинди.



Барчамизга маълумки, келажак авлоднинг жисмонан бақувват бўлиб вояга етишида болалар спортини ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Бу борада мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб жорий этилган уч босқичли ягона спорт ўйинлари тизими - "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари ёш авлодни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг спортга қизиқишини, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш борасида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги "Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида"ги 181-сонли Қарори билан ҳудудларда мазкур спорт мусобақаларини ўтказишнинг 2025 йилгача мўлжалланган режаси тасдиқланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги 3154-сонли Фармони билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилиб, унинг асосий вазифалари этиб болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш, аввало қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш белгиланди.

Шу билан бирга, болалар ва ёшлар ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқ равишда такомиллаштириш, бу борада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларига ҳам доимий эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция, Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенция, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилиниши муносабати билан улардаги муҳим қоидалар мунтазам миллий қонунчиликка сингдириб борилмоқда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларни ўрганган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир давлат сиёсатини амалга оширишда ҳамда жамиятдаги барча болаларнинг ҳуқуқларини кафолатлашда мукаммал ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида келтирилган таҳлил мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган ишларнинг маълум бир қисмини акс эттиради холос. Айтиш керакки, юртимизда жорий йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги 1271-сонли Қарори билан тасдиқланган Давлат дастури доирасида Оила, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Сиҳат-саломатлик, Ёшлар йиллари доирасида амалга оширилган улкан ишларни таҳлил қилиш орқали янада такомиллаштириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш бўйича яратилган ўзига хос "миллий тизимни" ривожлантириш имкониятини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги 1271-сонли Қарори билан тасдиқланган республика дастурининг асосий йўналишлари сифатида:

Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш;

Таълим соҳасида моддий-техника базаси шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган мутахассисларни тайёрлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобига мамлакатимиз мактабларида касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш;

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли "оммавий маданият" иллатларининг зарарли таъсирлари ва таҳдидларидан муҳофаза қилиш кабилар белгиланди.

Мазкур Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирлар учун жами 7898,03 млрд. сўм ва 165,43 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланиши кўзда тутилди.

Умуман, шуни эътироф этиш керакки, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлодни вояга етказишва тарбиялаш масаласи нафақат давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг вазифаси, балки келажак олдидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳар бир оила, ота-она, қолаверса, ҳар бир шахснинг асосий ва доимий бурчи бўлмоғи даркор.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги узоқни кўзлаган сиёсат - эркин, озод ва обод келажагимизнинг пойдеворини яратишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

# Қонун талаблари бузилмасин

**Э.УСМАНОВ,**
Бош прокуратура бўлим бошлиғи ўринбосари

Бугунги кунда солиқ тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани соҳада катта ютуқларга эришиш омили бўлмоқда. Бу борадаги қонунчилик тизими эса янада такомиллашиб, солиқ тўловчи ва ундирувчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар тўлиқ тартибга солинди ва мувофиқлаштирилди.

Республика Бош прокуратураси солиқ қонунчилиги ижроси устидан доимий назорат олиб бормоқда. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2008-2009 йилларда хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишларнинг асослилиги, сифати ва натижаси бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ҳамда хўжалик судларига киритилган даъво аризалари, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларининг кўриб чиқилиши аҳволи ўрганилганда бу борада қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Чунончи, "Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомда режадан ташқари қисқа муддатли текширишлар ўтказиш тўғрисидаги қарорлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман ҳудудий комиссиялари раислари томонидан имзоланган рўйхатлар кўринишида расмийлаштирилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунга қарамасдан Чортоқ туман ДСИ ходимлари комиссия раиси ҳисобланмаган туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Р.Эгамбердиев тасдиқлаган рухсатномага асосан ҳудудаги "Бозоров Носиржон" хусусий фирмасига қарашли умумий овқатланиш шохобчасини ҳамда хусусий тадбиркорлар Ш.Маматов ва А.Фозиловларнинг фаолиятини ноқонуний текширишдан ўтказишган.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти йилига кўпи билан бир маротаба текширилиши қатъий белгилаб қўйилган. Лекин айрим текширувчилар қонуннинг бу талабини писанд қилмаган кўринади. 2008 йилнинг июнь ойида фаолияти режадан ташқари текширилган Нукус туманидаги "Арбат транс" хусусий корхонаси 2009 йилги режа-жадвалга киритилиб, январь ойида қайта текширилишига йўл қўйилган. Шу каби қонун бузилиши ҳолатларини Наманган, Коғон шаҳар, Норин, Косонсой, Янгиқўрғон, Вобкент, Чимбой, Хўжайли туман инспекциялари фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, Солиқ кодексининг 102-моддасида солиқ текшируви материаллари текширув тугаган кундан эътиборан 10 иш куни ўтгач, бироқ 15 иш кунидан кечиктирилмасдан кўриб чиқилиши қатъий белгилаб қўйилган. Аммо ҳудудлардаги Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари бу мажбуриятни ҳам тўлиқ амалга оширмаган. Бу талабларга Чирчиқ, Андижон шаҳарлари, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Қибрай, Хўжаобод, Олтинкўл, Андижон, Пешку ва Чуст туманларида риоя этилмаган. Жумладан, Чирчиқ шаҳар ДСИ томонидан "Истеъмол моллари" фирмасида ўтказилган текширув якуни бўйича 2008 йил 11 ноябрда далолатнома расмийлаштирилган ва ҳужжатлар 2-шакл китобида шу куни рўйхатга олинган бўлса-да, ҳужжатлар 2008 йил 12 ноябрда кўриб чиқилиб, 15 ноябрь куни қарор қабул қилинган.

Бундан ташқари Давлат солиқ хизмати органлари томонидан маъмурий ишлар кўриб чиқилиши, малакаланилиши ва тааллуқлилиги бўйича юборилишида ҳам қонунбузилиш ҳолатларига кўплаб йўл қўйиб келинганлиги аниқланди. Шу каби ҳолатлар Самарқанд, Қарши, Чирчиқ, Жиззах, Каттақўрғон, Коғон шаҳарлари, Каттақўрғон, Шаҳрисабз, Қибрай, Яккабоғ, Шаҳрихон, Дўстлик, Чироқчи, Муборак, Касби туманлари, Миришкор, Зарбдор, Ўртачирчиқ, Кармана, Навбаҳор, Уйчи туманларида учрайди. Айбдор шахсларнинг ҳаракатлари нотўғри малакаланиб, улар МЖтКнинг бошқа моддалари билан жавобгарликка тортилганлар. Айрим ҳолларда эса ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатлари ортиқча моддалар билан малакаланганлиги ёки тўлиқ малакаланмаганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун, Самарқанд шаҳар ДСИ томонидан "Шоҳ Жаҳон Маъмур" корхонаси директори М.Лутфиллоев ва бош ҳисобчиси Д.Хамроқуловларни МЖтКнинг 175-моддаси 1-қисми ва 3-қисми билан маъмурий жазога тортишда қўшимча ҳисобланган солиқ учун жазони қўллаш муддати ўтиб кетган бўлса-да, уларнинг ҳаракатлари кодекснинг 175-моддаси 1-қисми билан ортиқча малакаланган.

Бу каби қонун бузилишларга Самарқанд, Жиззах, Қарши шаҳарлари, Пайариқ, Оқдарё, Пастдарғом, Дўстлик, Ғаллаорол ва Пахтакор туман инспекциялари томонидан ҳам йўл қўйилган. Айни вақтда қонунга хилоф равишда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, "Томди" ширкат хўжалигида ўтказилган текширишда, солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобини юритиш тартиби ва тўлов интизоми бузилганлиги аниқланиб, Томди туман ДСИ томонидан бунга йўл қўйган бошқарув раиси К.Ерниязов ўрнига А.Жарилкапов маъмурий жавобгарликка тортилган. Бувайда туман ДСИ томонидан эса 25-сонли мактабда ўтказилган текшириш натижасига кўра, МЖтКнинг 36-моддасида кўрсатилган маъмурий жазо қўллаш муддати ўтиб кетган бўлсада, бош ҳисобчи М.Хамдамова МЖтКнинг 175-моддаси 1-қисми ва 179²-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Айниқса, айрим солиқ хизмати идоралари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўриб чиқишда бошқа назорат органларининг ваколатларини ҳам бажаришга йўл қўйилган. Чунончи, Наманган шаҳар ДСИ томонидан 2009 йилда "Ал-Машриқ Ҳабибулло ҳожи" хусусий корхонасида ўтказилган текширишда корхона ходимларининг тиббий кўрикдан ўтганлиги масаласи ҳам ўрганилиб, тиббий кўрикдан ўтмаган 15 нафар ходимларга нисбатан 2009 йил 25 мартда МЖтКнинг 53-моддаси билан маъмурий баённома расмийлаштирилади. Ва ушбу кодекснинг 257-моддаси талабларига риоя этилмасдан инспекциянинг ўзида кўриб чиқилади. Бундай қонунбузилишлар Самарқанд, Чирчиқ, Қарши шаҳарлари, Самарқанд ва Олтинкўл туманларида ҳам қайд этилди.

Бундан ташқари солиқ хизмати ходимлари томонидан текширув ҳужжатлари сохталаштирилиб, фуқароларни қонунга зид равишда жавобгарликка тортиш ҳолларига йўл қўйилганлиги ачинарли ҳол, албатта. Масалан, Наманган шаҳар ДСИ томонидан фуқаро З.Абдурахманов уяли телефон аксессуарларини ҳужжатсиз сотганлиги ҳолати бўйича тўпланган ҳужжатлардаги имзолар сохталаштирилиб, 2008 йилда Россия давлатига ишлаш учун кетган отаси З.Абдурахманов номига расмийлаштирилиб, МЖтКнинг 176-моддаси 2-қисми билан судга юборилган. Ёки бошқа бир мисол. Сардоба туман ДСИ шўъба бошлиғи И.Тожиев ва бошқалар тадбиркор Ж.Жўраевнинг дўконида мониторинг ўтказилмаган бўлса-да, сохта маълумотнома ва баённома тузиб, холислар имзоларини қалбакилаштиришади. Мазкур сохта ҳужжатларга асосан И.Тожиев ва бошқалар туман кенгашидан текширишни ўтказиш учун рухсат олишади. Ўз навбатида дўкона ўтказилган текшириш далолатномаси ва баённомаларида Ж.Жўраевнинг имзоларини қалбакилаштиришади ҳамда Ж.Жўраевага нисбатан қўлланилган 847,7 минг сўм молиявий жаримадан 339,6 минг сўмини ундириб, тадбиркор манфаатларига зиён етказганлар.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида идоравий назорат лозим даражада ташкил этилмаганлиги оқибатида солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномаларни юбориш ва инкасса топшириқномаларини тақдим этишга оид қонун талаблари кўпол равишда бузилган. Жумладан, Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах шаҳарларида, Самарқанд, Каттақўрғон, Уйчи, Жиззах, Зарбдор, Зомин, Пахтакор ва Дўстлик туманларида талабномалар кечиктириб юборилган. Уйчи туманида 5 та ҳолатда талабномалар умуман юборилмаган. Кувасой шаҳар ДСИ шўъба бошлиғи Қ.Абдулхамидов томонидан 8 та ҳолатда инкасса топшириқномалари кечиктириб банкка тақдим этилган ва 74 та ҳолатда 1,5 млн. сўм боқиманда қарздорликларга инкасса топшириқномалари қўйилмаганлиги аниқланиб, у МЖтКнинг 175-моддаси 5-қисми билан жавобгарликка тортилди.

Солиқ кодексининг 112-моддасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан молиявий санкциялар фақат суд томонидан қўлланилиши қатъий белгиланган. Жиззах ва Зарбдор туманларида бу талабга умуман риоя этилмаган. Бунга Зарбдор туман ДСИ бошлиғи А.Юнусовнинг 2008 йил 12 августдаги қарори билан тадбиркор Б.Кушназаровга нисбатан 625,9 минг сўм молиявий санкция қўлланилганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Айрим солиқ ходимларининг қарздорликни ундириш ҳақида сохта ҳужжат тайёрлаб, ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиб, жиноят содир этаётганликлари ачинарли, албатта. Хусусан, Андижон шаҳар ДСИ инспектори М.Мамажонов "Хўжаобод пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамиятидан аслида ҳақдор бўлмаган бир нечта корхоналар фойдасига 142,2 млн сўм дебитор қарзларни ундириш ҳақида сохта инкасса топшириқномаларини тайёрлаб, жамиятнинг 142,2 млн сўм пул маблағларини бошқа корхоналар ҳисобига ўтказганлиги ҳолати бўйича М.Мамажоновга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

# Шартномага амал қилмаган фермерлар

**И.КАМОЛОВ,**
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Сирдарё вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони, қишлоқ хўжалигига доир қонунлар ва бу борадаги ҳукумат қарорлари ижроси устидан доимий прокурорлик назорати ўрнатилган.

Хусусан, фермерлар томонидан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган асосий қишлоқ хўжалик экинлари пахта ва ғалла экиладиган ер майдонларидан ер ижара шартномасида белгиланган мақсадларда қатъий рвишда мақсадли фойдаланилишни ҳамда тузилган контрактация шартномаларининг бажарилиши ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши алоҳида назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 февралдаги "2010 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги 1288-сонли Қарорига асосан жорий йилда вилоят бўйича 238000 тонна пахта хом ашёси етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг бажариш чоралари кўрилди. 110700 гектар майдонга фермерлар томонидан тўлиқ чигит экилишидан бошлаб, ғўзага ўз вақтида сифатли агротехник ишлов бериш, уни турли касаллик ва зараркунандалардан сақлашга қаратилган барча агротехник тадбирлар сифатли ўтказилишига эътибор қаратилмоқда.

Тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказилган доимий назорат тадбирлари давомида айрим фермер хўжаликлари раҳбарлари ердан бошқа мақсадларда фойдаланиб, жорий йилда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси етиштириш учун тузилган контрактация шартномаларининг бажарилмасдан қолишига сабабчи бўлаётганлиги аниқланди. Улар билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида судга даъво аризалари киритилиб, ноқонуний фойдаланилган ер майдонлари давлат заҳирасига қайтарилишини таъминланмоқда.

Жумладан, Сайхунобод туманидаги пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида ташкил этилган ва 105,9 гектар ер майдони ижарага берилган "Унғор ота Ҳидиров" фермер хўжалигида тегишли мутахассислар иштирокида ўтказилган мониторингда, фермер хўжалиги раиси У.Ҳидиров томонидан туман ҳокимининг 2010 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тақсимотига кўра чигит экилиши режалаштирилган 60,9 гектар ер майдонининг 7 гектарига ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда кунгабоқар ва маккажўхори экилганлиги аниқланди. Ноқонуний экинлар фермер хўжалиги ҳисобидан буздирилиб, фермер хўжалиги билан 109,5 гектарга тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида судга даъво ариза киритилди ва ер ижара шартномаси бекор қилиниб, давлат заҳирасига қайтарилди.

Оқолтин туман ҳокимининг 2009 йил 29 декабрдаги 1750-сонли қарори билан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида ташкил этилган "Кўркам дала ҳаловати" фермер хўжалигига 35,63 гектар ер майдони 49 йил муддатга ижарага берилган.

Лекин, ўтказилган назорат тадбирларида фермер хўжалиги бошлиғи Б.Каримов, ер ижара шартномасида белгилаб қўйилган давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларни етиштиришни ташкил этиш, туман ҳокимлиги томонидан режалаштирилган қишлоқ хўжалик экинларини экиш, ернинг балл бонитетини пасайтирмаслик, ердан белгиланган мақсадда фойдаланиш бўйича мажбуриятларини кўпол равишда бузган. Пахта экиш режалаштирилган 21.6 гектар майдоннинг 5 гектарига ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда қовун экканлиги аниқланиб, фермер хўжалиги билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида судга даъво ариза киритилди ва ер ижара шартномаси бекор қилиниб, давлат заҳирасига қайтарилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 12 та тақдимнома киритилиб, 663 нафар шахс қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида расман огоҳлантирилди. Ноқонуний ҳужжатларга 1 та протест келтирилиб, 57 нафар шахс маъмурий ва 1 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Аниқланган кўпол қонунбузилиш ҳолати юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди ва ердан мақсадсиз фойдаланиб, пахта экилиши режалаштирилган майдонларга ўзбошимчалик билан бошқа экинлар эккан 3 та фермер хўжаликларининг ижарага олган 215 гектар ер майдонларини давлат заҳирасига қайтаришлари таъминланди.

Юқорида қайд этилган фермерлар ҳолатига тушмаслик учун, фермер хўжаликлари бошлиқлари ўзларига ижарага берилган ер майдонидан қонун ҳужжатларида ва ижарага олиш шартномасида кўрсатилган шартлар асосида белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланишлари шарт. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етказиб бериш бўйича тузилган контрактация шартномаларида белгиланган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш учун туман ҳокимлиги томонидан режалаштирилган майдонларга тўлиқ чигит ва ғалла экиши, хўжалик ичидаги мелиоратив тармоқларни тозалаб ва таъмирлаб туриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда агротехника талабларига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги ўсимликларини турли зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилинишини таъминлаш фермерларга фақат наф келтиради.

# Шартнома интизоми

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер умуммиллий бойлик ҳисобланади. Уни асраб-авайлаш лозим. Ундан оқилона фойдаланмаслик фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилишига олиб келади.**

Баҳодир УМАРОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг ўринбосари



Прокуратура органларига қонунчилик соҳасида қонунларга риоя этилиши устидан мунтазам назорат олиб бориш вазифалари юклатилган. Шунга кўра вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигидаислоҳотларни амалга ошириш қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан олиб борилган назорат фаолиятида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, олиб борилган назорат тадбирлари давомида айрим масъул шахслар томонидан экин ерларини ажратиш, ўз навбатида ердан фойдаланувчилар томонидан ундан фойдаланишда қонун бузилишига йўл қўйиш ҳолатлари аниқланди.

Ўтган йил давомида ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан 21 та текшириш ўтказилиб, уларнинг натижасига кўра, 440 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Масъул ва мансабдор шахслардан 27 нафарининг интизомий, 126 нафарининг маъмурий ва 7 нафарининг моддий жавобгарлик масаласи ҳал этилиб, 309 нафари огоҳлантирилган. Текширишлар натижасига кўра, 65 та ҳолатда 436,3 гектар ер майдонлари ноқонуний фойдаланилганлиги аниқланди. Шундан 7 та ҳолатда 12,8 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаш, 57 та ҳолатда 411,2 гектар майдондан мақсадсиз фойдаланиш, 1 та ҳолатда 12,2 гектар майдонни ҳисоботдан яшириш каби қонунбузилишлар содир этилган. Назорат тадбирлари давомида жами 401,6 гектар ер майдони давлат эгалигига қайтарилди.

Жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, Гурлан туманида яшовчи фуқаро Х.Бобожонов "Шериммат Бекмон" фермер хўжалигига тегишли бўлган 0,36 гектар боғини маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин ҳам ўзбошимчалик билан эгаллаб фойдаланиб келаётганлиги аниқланди ва унга нисбатан ЖКнинг 229-1-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, Б.Халлиев Қўшкўпир туманидаги "Хоразм ММТП" раҳбари вазифасида ишлаб келиб, ММТП ҳудудидан турар жой қуриш учун фуқароларга ер участкалари ажратиб бериш ваколатига эга бўлмагани ҳолда, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, фуқаро Р.Аҳмедовага 2400 кв.м ер майдони беришни ваъда қилган. ММТП раҳбари аёлнинг ишончига кирган ҳолда фирибгарлик йўли билан ундан 2 миллион сўм пулини олганлиги аниқланди. Б.Халлиевга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди..

Вилоят прокуратураси органлари томонидан шартнома интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 26 та текшириш ўтказилди. Текширишлар натижасига кўра, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида маҳаллий ҳокимлик ва тегишли идораларга 47 та тақдимнома киритилди. Қонун бузилишига йўл қўйган масъул ва мансабдор шахслардан 14 нафарининг интизомий ва 126 нафарининг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилиб, 741 нафари огоҳлантирилди. Жиддий қонун бузилишларига йўл қўйган шахсларга нисбатан 6 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, етказилган зарарлар ихтиёрий ундирилиши таъминланди. Судларга жами 3894,6 миллион сўмлик 664 та даъво аризалари киритилиб, улар тўлиқ қаноатлантирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 майдаги "2009 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги 1961 та фермер хўжаликлари билан 2009 йил ҳосили учун 83 минг тонна, шу жумладан 8,3 минг тонна уруғлик ва 74,7 минг тонна товар-ғалла сотиш юзасидан контрактация шартномалари тузилган. Амалга оширилган ишлар натижасида давлатга 77,2 минг тонна товар, 7,8 минг тонна уруғлик дон топширилиб, режа 102,4 фоизга бажарилган.

Шартномавий режани қисман бажарган 89 та фермер хўжаликлари томонидан 936 тонна буғдой топширилмаган. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун талабларига доир тарғибот тадбирлари ўтказилиши натижасида 6 та фермер хўжаликларидан тайёрлов корхоналарига 88 тонна ғалла натурада ва 1,1 миллион сўм пул шаклида ихтиёрий равишда қопланиши таъминланди.

Шартнома интизомини бузган 38 та фермер хўжаликларидан 126 миллион сўмлик кўрсатилган хизматлар ва етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ундириш юзасидан хўжалик судига прокурор аризалари киритилди ва улар сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 февралдаги "2009 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги 2681 та фермер хўжаликлари билан 93,8 минг гектар майдонга чигит экиб, давлатга 258,0 минг тонна пахта хом ашёси етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган. Мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари давомида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ва йўл қўйилган камчиликларни жойида бартараф қилиш ҳамда тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш чоралари кўрилди.

Жумладан, Янгиариқ туманида фаолият кўрсатган "Панаев Бекчонбой ота" фермер хўжалиги билан 26,4 гектар майдонга чигит экилиши юзасидан контрактация шартномаси тузилган, ҳақиқатда эса 22,8 гектар майдонга чигит экилган. Фермер хўжалигида 3,4 гектар майдонга ўзбошимчалик билан шоли экилганлиги, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва ҳашаротлари тарқалишининг олдини олиш бўйича биолабаратория билан шартнома тузилмаганлиги, натижада ғўза зараркунандаларига қарши тегишли чоралар кўрилмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ва фермер хўжалигига ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш масаласини ҳал қилиш тўғрисида туман ҳокими ва "Янгиариқ пахта тозалаш" ОАЖ раиси номига тақдимнома киритилди.

Шунингдек, Боғот тумани "Деҳқонбозор" қишлоғида фаолият кўрсатган "Шомурот бобо набираси Умиджон" фермер хўжалиги раҳбари Г.Давлетова ҳамда "Эгам бобо набираси Комилжон" фермер хўжалиги раҳбари К.Эгамовлар 2009 йил пахта ҳосили учун чигит экилган ер майдонларини мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ўзбошимчалик билан бузгани ва ўрнига шоли экканн учун уларга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Хонқа, Урганч, Хива ва Янгиариқ туманларида ҳам шу каби ҳолатларга йўл қўйган фермерларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

---

**Барчамиз гувоҳ бўлиб турганимиздек, республика иқтисодиётида хусусий сектор улушининг салмоғи ортди. Янги иш ўринлари ташкил этилди. Ўзбек ишбилармони дунёдаги энг илғор мамлакатлар тадбиркорлари билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйди.**

# Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ғ.РАҲМОНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Бухоро вилоят бошқармаси катта инспектори

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маърузасида ҳам иқтисодиёт тармоғидаги устувор вазифаларни белгилаб бердилар.

Бу соҳадаги асосий вазифалардан бири - бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўлса, иккинчиси - хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтиришни таъминлаш ҳамда кейинги вазифа - кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, Юртбошимиз давлат органларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш, солиқ тизимини такомиллаштириш, тадбиркорларнинг имтиёзларини кўпайтириш масаласига эътибор қаратдилар. Хўжалик субъектларига қўлланиладиган жазо чораларини қайта кўриб чиқиш, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибини қисқартириш ва соддалаштириш зарурлигига тўхталдилар, мутасадди органлар олдига аниқ вазифалар қўйдилар.

Иқтисодиётдаги ислоҳотлар ва тадбиркорлик субъектларининг эркинлигини таъминлашга йўналтирилган қонун ва норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди. 2005 йилнинг июнь ойида қабул қилинган қарор ва фармонларнинг бош мезони ҳам айнан шу мақсадларга қаратилди.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони янги босқичга ўтишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди, дейишга тўла асосимиз бор. Айниқса, "Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилинини давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимида алоҳида ўринга эгадир. Ушбу Фармон тадбиркор билан давлат назорати органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, содда қилиб айтганда, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб олган тадбиркор энди назоратчи билан бемалол "қонун тили"да гаплаша олади.

Бу ҳақда фармонда кўрсатилганидек, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади. Назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар эканлигини, ҳатто улар жиноий жавобгарликка ҳам тортилишлари мумкинлигини бугун тадбиркор яхши тушунади. Бундан ташқари уларга муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилганлиги ҳам маълум.

Фармондаги муҳим янгиликлардан бири — бу тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чоралар доирасининг белгиланишидир. Хусусан, фаолиятни тугатиш ва ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказишга доир ишларнинг барчаси, шунингдек, белгиланган айрим истиснолардан ташқари, молиявий санкцияларни қўллаш, фаолиятни ва банклардаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги ишлар тегишли судлар томонидан ҳал қилинади. Таъкидлаш керакки, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашиб, судлар ихтиёрига берилиши тадбиркорлар манфаатининг самарали ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётдан маълумки, назорат қилувчи орган вакили ишнинг судда кўриб чиқилишини ўйлаб, қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда ҳақиқий айбдорни аниқлаш ҳақида бош қотириб, пухта ҳужжатлар тайёрласа, тадбиркор судда тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тортишув тамойиллари мавжудлигини билиб, бу имкониятдан фойдаланишга уринади.

Бу эса ўз-ўзидан ҳуқуқий саводхонликни юзага келтиради ва ушбу қоиданинг самараси бизни узоқ куттирмасдан, яқин йилларда давлат назорат органлари мансабдор шахслари ва раҳбарларини ҳақини таниган тадбиркор билан ишлашга ўргатиб қўяди.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ваколатининг фақат давлат солиқ қўмитаси органларига берилиши бу ҳизматга катта масъулият юклайди. Уларнинг олдида турган вазифалар кўламини кенгайтиради, лекин энг муҳими, ушбу қоида бу жараёндаги турли келишмовчиликларга барҳам беради.

Албатта, департаментнинг асосий вазифаси ҳам қонунни бузмасдан илгаётган тадбиркорлар фаолиятига аралашиш эмас, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда яширин иқтисодий фаолият олиб борувчи "тадбиркорлар"ни фош этиш, солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаганларни аниқлаш ва валюта билан боғлиқ қонунбузарликларга чек қўйиш бўйича тезкор тадбирларни кучайтиришдир.

Ўз навбатида, муқобил текширишларнинг қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ёки назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори асосидагина ўтказилишининг белгилаб қўйилганлиги ҳам эътиборга молик.

Муқобил текшириш ўтказувчи орган фақат тадбиркорнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро молиявий алоқасига дахлдор ҳолатларни ўрганиши мумкин. Бу жараёнда тадбиркорлик субъектларига бориш ёки текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқлаб қўйилди.

Албатта, бу қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши, биринчидан, текширишлар сонининг кескин камайишига олиб келса, иккинчидан, назорат органлари томонидан такрорий текширишлар ўтказилишининг олдини олади. Энг асосийси, ортиқча асаббузарликларга чек қўйилиб, тадбиркорда самарали ишлаш ва изланиш учун кўпроқ вақт бўлади.

# «Қорақурт»



**Алишер ОЧИЛОВ,**
Сурхондарё вилоят прокурори ўринбосари
**Йўлдош ПАРДА,**
"Нидо"

Дунёда қанча шоир ва ёзувчи бўлса, барчаси аёл кишини энг гўзал хилқатга, юзларини тўлин ойга, ёноқларини қирмиз лолага, овозини тонги сабога менгзаб шеър-қўшиқлар ёзишган, лўлаболишдек қалин-қалин романлар яратишган. Биз эса ушбу мақоламизда бир аёлни шартли равишда қорақуртга менгзадик. Ҳа, ўша "сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл", деб қўшиқларда куйланган аёллар ва Абдулла Ориповнинг оналар тўғрисидаги шеърларида кўкларга кўтарилган зотлар тоифасидан бўлган, бўй етиб қолган бир ўғил ва бир қизнинг онаси бўлмиш Холбувини (исмлар шартли равишда ўзгартирилган) қорақуртга ўхшатдик. Аммо агар замон тескари айланиб, Оллоҳ қорақуртга онг ва билим бериб қолса борми, у "мақолада мени Холбувидек ялмоғизга ўхшатиб, иззат-нафсимга тегишди, қадр-қимматимни ерга уришди. Тақдири азал пешонамизга битиб қўйгани шу бўлса, мен нима қилай ахир. Тухум қўйганимдан кейин уларни босиб ётишим керак. Бир зум егулик ахтариб кетиб, уларни ёлғиз қолдирсам, курт-қумурсқалар еб кетишади. Наслимиз қирилиб кетади. Жуфтим шунинг учун болаларини ўйлаб ўзини қурбон қилади. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Мен жуфтимнинг вужудини еб битирганимда тухумлардаги қорақуртчаларимиз етилиб, тухумни тешиб чиқиб, пастдан мени ейишга тушишади. Онаман, уларни ташлаб қочиб кетолмайман. Улар кучга тўлиб, турли томонларга тарқалиб кетаётганларида уяда фақат пўстлоғим қолади холос. Мақолачилар эса мени ўша Холбуви ялмоғизга менгзаб, оғир ҳақорат қилишди. Чора кўришларингизни илтимос қиламан", деб тегишли органларга шикоят-ариза билан мурожаат қилган бўлармиди. Ҳатто қорақурт ўхшашга ор қиладиган аёл ким ва у қандай қилмиш содир этган? Келинг, бошидан сўзлаб бера қолайлик. Ўтган йили Сурхондарё вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими томонидан Бегимқул Шомирзаевнинг ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдирилганлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси "ж" банди билан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилган. Аниқланишича, Шомирзаева Холбуви турмуш ўртоғи Бегимқул Шомирзаев, вояга етмаган фарзандлари 1993 йилда туғилган ўғли Шерзод Шомирзаев ҳамда 1995 йилда туғилган қизи Шомирзаева Нигоралар билан бирга "Қизириқ" туманидаги "Оқжар" маҳалласида яшаб келишган. Бегимқул тез-тез спиртли ичимликлар ичиб олиб, уйида жанжал-тўполон қилиб, хотинини бир-икки шапалоқ уриб турган. Оила аъзоларига тинчлик бермаган. Буйраги касал одамга ичкилик ичиш умуман мумкин эмас. У эса ичиб олганда буйрак оғриғи хуруж қилса "сенларни деб даволана олмаяпман, ҳаммангни ўлдираман, қачон ўласанлар, сенлардан қачон қутуламан", деб дағдаға қила бошлаган. Бу ҳолат жонига тегиб кетгач, Холбуви вояга етмаган иккала фарзандини ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, яъни жиноят содир этишга жалб этиб, эри Бегимқулдан бир йўла қутилиш режасини тузган. 2009 йил 31 май куни кечқурун Бегимқулнинг буйрак касали хуруж қилиб қолганда, уни алдаб ишончига кириб, буйрак оғриғини қолдириш учун гилам устига ётқизишиб, бел соҳасига тухум ва пахта ёғи суришиб, "иссиққина бўлса оғриқни тезроқ қолдиради", деб гилам билан ўраб ташлашган. Сўнгра устидан ип ва рўмол билан боғлаб, қаршилик кўрсата олмайдиган даражада ожиз аҳволга келтиришган. Кейин "анальгин эритмаси" деб алдаб, қошиқ билан оғзига ўткир заҳарли кимёвий восита бўлмиш сульфат кислотасини қуймоқчи бўлганларида, аксига олиб чироқ ўчиб қолган. Бундан ташқари Бегимқул "ҳожатга чиқаман", деб бақира бошлагач, уни ечиб қўйворишга мажбур бўлишган. Шундай қилиб, биринчи уринишда жиноят тугалланмай қолган. Она ва болалардан ташкил топган уюшган гуруҳ яна Бегимқулнинг касали хуруж қилиб қолишини кута бошлашган. Эртасига эрталаб соат 9 ларда Бегимқул яна биқинини ушлаб додлай бошлагач, гуруҳ аъзолари уни яна гилам устига ётқизиб, ишончли бўлиши учун бел соҳасига пахта ёғи ва тухум суришиб, устидан Холбувининг жун рўмоли билан ўраб қўйишган. Сўнгра учовлашиб уни гилам билан ўраб, қимирлай олмаслиги учун устидан ип ва рўмол билан қаттиқ боғлашган ва "анальгин дори ичинг", деб оғзига сульфат кислота қуйишган. Бегимқул "дори"нинг бир қисмини ичган, бир қисмини эса оғзи куйганлиги учун тупуриб ташлаган. Холбуви қараса, эри ҳали бери ўлмайдиган, оғзидан боди кириб, шоди чиқаяпти. Она қизига арқон келтиришни буюрган. Нигора югуриб бориб, бузоқ боғлаб қўйилган ингичкароқ арқонни келтирган. Улар арқонни Бегимқулнинг бўйнига ўраб, бир томондан она, иккинчи томондан икки фарзанд қарийб 15 дақиқалар давомида қаттиқ тортиб туришган. Бегимқул механик асфиксиядан, яъни ўпкага кислород етиб бормаганлиги оқибатида дунёдан кўз юмган. Суд тиббий экспертизаси Бегимқулнинг бўйнида арқон излари мавжуд эканлигини, ўлим эса ўпкага ҳаво келмаганлиги оқибатида юзага келганлигини аниқлаб берди. Холбуви ҳамда унинг ўз фарзандларидан ташкил топган жиноий гуруҳ шериклари содир этган одам ўлдириш жиноятини яшириш ва жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида Бегимқулни ўлдириш учун фойдаланилган гилам, рўмол ва арқонларни ҳовлидаги тандирга солиб ёқиб юборишган. Мурдани эса кеч соат 20:00 ларда аравага ортиб, шу маҳалла ҳудудидаги пахта қабул қилиш маскани олдидан оқиб ўтувчи сойга ташлаб юборишган. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди Холбувини ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми "б" банди билан, яъни икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсларни жиноят қилишга жалб этганлиги учун ҳамда ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми "в" банди билан, яъни айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни ўлдирганлиги, "ж" банди билан, яъни ўта шафқатсизлик билан ўлдирганлиги, "п" банди билан, яъни уюшган гуруҳ бўлиб ўлдирганликлари учун айбдор деб топди ва тегишли жазо белгилади. Гуруҳ аъзолари бўлмиш Шерзод билан Нигора ҳам ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми "в, ж, п" бандлари билан айбландилар. Жиноят учун жазо муқаррарлиги таъминланди. Шу ерда озгина чекиниш қилиб, нега суд оқлов томонининг "Холбуви ҳамда унинг фарзандлари қотиллик содир этилаётганда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлган, Бегимқулнинг тез-тез ичиб келиб, уйда можаро қилгани, хотинини ургани, ҳаммангни ўлдираман деб дағдаға қилгани айбдорларда физиологик аффект ҳолатини юзага келтирган", деган важларини инобатга олмаганлигини тушунтириб ўтиш лозим. Маълумки, жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун енгилроқ жазо берилади. Аммо мисолимиздаги айбдорларнинг хатти-ҳаракатларини аффект ҳолатида содир этилган қилмиш деб квалификация қилиб бўлмайди. Зеро, кучли руҳий ҳаяжонланиш деганда руҳиятнинг хотиржам вазиятидан жабрланувчининг ноқонуний зўравонлиги ёки оғир ҳақорати ёхуд ҳуқуққа хилоф бошқа ҳаракатларига жавоб тариқасида эмоционал портлашга ўтиш англашилади. Физиологик аффект юзага келиши билан айбдорнинг жабрланувчининг ўлимига олиб келувчи ҳаракатлари ўртасида вақт жиҳатидан узилиш бўлмаслиги лозим. 31 май куни кечқурун Бегимқул дағдағасини бошлаганда она-болалар уни ўртага олиб, тепкилабми, калтаклабми ўлдириб ташлашганда уларнинг ҳаракатини эҳтимол физиологик аффект ҳолатида одам ўлдириш деб квалификация қилиш мумкин бўларди. Воқеанинг қандай кечганлиги билан эса юқорида танишиб чиқдингиз. Устига-устак, Бегимқулни қаршилик кўрсата олмайдиган ожиз аҳволга айбдорларнинг ўзлари солишган. Терговчининг "нега эрингизни 15 дақиқа бўғиб турдинглар, ахир одам беш минутда ўлади-ку" деган саволига, "тирилиб, туриб кетишидан хавфсирадик", деб жавоб қилишган. Мана шунақа гаплар. Қорақуртнинг Холбувидан ҳазар қилишининг, ундай бўлишидан ор қилишининг сабабини энди тушунгандирсиз.

# Тирик мурда

***Унинг учун ҳамма нарса муҳайё эди. Ўн тўққиз ёшида туғилган кунига отаси совға қилган "Нексия"нинг рулига ўтирди. Институтда учинчи курсда ўқиётганидаёқ ота-онаси уйлаб қўйишди. Алоҳида дангиллама уй қуриб беришди. Ёш оила бахтли турмуш кечириши учун монелик қила оладиган ҳеч нарса йўқдай эди. Бироқ...***

**Баҳодиржон МАМАТҚУЛОВ,**
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Иккинчи курс талабаси Лобархон ҳам арзанда қиз, болалигидан ҳукмини ўтказишга одатланган эди. Институтдаги байрам кечаларидан бирида Асқарали билан танишиб, унга кўнгил қўйди. Йигит ҳам унга бефарқ эмасди. Совчи юборди. Турмуш қуришди. Ўзлари алоҳида ҳовли уйда тура бошлашди. Асқарали аввалига биронта иш буюрса, "ўзингиз-чи", дея эркаланишларига аҳамият бермади. Бора-бора бесаранжом хоналар, ювилмаган идиш-товоқлар ғашига тегаверди. Ўзига оро беришдан ортмайдиган Лобар кўзига хунукдан-хунук кўринаверди. Гап қайтарганда чангитиб сўкишга одатланди. Уйларида кунора жанжал.

Кеч тушди дегунча Асқарали кўчага чиқиб кетади. Ресторанларда коньяк, ароқ ичиб дилидаги чигални ёзгандай бўлади. Мирҳосил билан ана шундай кечалардан бирида танишди. У шаҳардаги барча воқеа-ҳодисалардан хабардор, танимаган-билмаган одами йўқдай эди. Киришимли, икки-уч кўришган киши билан ҳам ака-укадай қадрдон бўлиб оларди. Асқаралининг кўнглигига қўл солди, "ҳамма нарсани унутиб, кайфу сафога шўнғимоққа" чорлади. Асқарали "оқ доридан" жиндай тотиб кўрди. Барча кўнгил ғашликларини унутиб, "боғи эрамда" ҳуриликолар базмида кайфу сафога берилди. Уйига ким элтиб қўйди, ким жойига ётқизди, эслай олмас, фақат кўнгли тағин тун оғушидаги шу пайтгача ҳис қилмаган ҳузур-ҳаловатни тусарди.

Институтдан чиқибоқ Мирҳосилнинг қўлига телефон қилди...

Бир ой ичида Асқарали таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ўқишни йиғиштириб қўйди. Уйига фақат тунагани борарди, холос. Лобархон қайнонасига арз қилди. Қайнота-қайнона кечки пайт ҳовлига келиб Асқаралини кута бошлашди. У ярим кечада қайтди. Ўлгудай маст, одам танимас, бироқ оғзидан ароқ иси анқимасди. Аввалига ҳозирги ароқлар шунақа ҳидсиз чиқаяпти, шекилли, деб ўйлаган дадаси каравоти ёнидаги игналарга кўзи тушиб, ҳаммасини тушунди. Билагидаги кўкимтир доғлар шубҳага ўрин қолдирмади. Эрталаб ювиниб чиққан Асқарали Лобарнинг ёнида ўтирган ота-онасига ҳайратомуз боқди. Индамай столга ўтирди. Пиёладаги чойни ҳўплади.

— Анча бўлдими? — дадасининг саволига тушунмади.

— А?

— Қачон наркоманга айланишга улгурдинг? — отаси қаҳру ғазабдан қалтиради.

— Қанақа наркоман?

Отаси уни мажбурий даволанишга ётқизди. Асқарали энди яқинига йўламайман, дея онт ичди-ю, сўзининг устидан чиқа олмади. Тағин героинга ружу қўйди. Лобар эса отасиникига кетиб қолди. Суд орқали никоҳларини бекор қилдирди. Иккинчи-учинчи мажбурий даволашлар ҳам таъсир қилмагач, отаси қўлини силтади. Онаси ҳам юзини ўгирди. Асқарали уйидаги бор нарсаларини сотиб, героинга сарфлади. Отаси уйини ҳам сотиб юборишига кўзи етиб, ундан олдинроқ отни қамчилади. Ўттиз ёшида Асқарали исқирт девона бўлиб қолди. Чўпдай озиб кетди. Саҳар эшик тақиллади. Дарвозани очган отани моргга бошлаб боришди.

— Сизнинг ўғлингизми?

— Ҳа... — отанинг кўзига ёш ҳам келмади.

Асқаралининг тенгдоши, қўқонлик Жасур Умматов ҳам навқирон ёшида бедаво дардга чалинди. Автоаварияга йўлиққанидан кейин сал нарсага асабийлашадиган бўлиб қолди. "Меҳрибон" оғайниларидан бири кўнглига малҳам топди. Наша чекиб "кайф" қилишни ўргатди. Жасур уйлангандан, битта болали бўлганидан кейин ўзини қўлга олишга тиришгандай туюлди. Лекин, нашанинг "хумори"га дош бера олмади. Шунинг орқасидан икки марта судланди. Иккинчи бор турмада ётганида амнистия муносабати билан озодликка чиқди. Энди ўзини ишга, меҳнатга уриб, рўзғорини бекаму кўст қилиш учун имконият очилган эди. Бироқ тағин ўзининг ҳузур-ҳаловатини оиласи, фарзандидан устун кўрди. Нашадан бошқа нарсани ўйламайдиган, бошқа нарсага қизиқмайдиган тирик мурдага айланди. Ўлмасхон опа Асқаралининг куни бошингга тушмасин, дея ўғлига насиҳат қилавериб чарчади. "Уйига тўртта нон кўтариб бориш ўрнига тағин наша олиб чекади", дея пул сўраб келганида бермай қўйди. Жасур "йўли"ни топди. Нашафурушлардан бир-иккита ўрам эмас, ўн беш-йигирмата ўрамни олиб, ўзига ўхшаган нашавандларга қимматроғига пуллайверди. Ўзи чеккани, чиқиб бўлмас чоҳга тушгани етмагандай, бировларни ҳам тортаётгани маҳалладагиларни бефарқ қолдирмади. Улардан ариза тушгач, Жасур Умматовни кўз остига олишди. Кечки пайт соат саккиз яримларда Жасур таниши Воҳиджон билан гаплашиб турганида ИИБ ходимлари холислар иштирокида кийимларини тинтиб кўришлари лозимлигини айтишди. Жасур трикосининг чўнтагидаги қоғозга ўралган нарсани ерга ташлади. Унинг ичида ўн саккиз ўрам наша бор эди.

Судда Жасур Умматов нашани ўзи истеъмол қилиш учун нотаниш кимсадан сотиб олганини айтиб ўтди. Бироқ унинг наша сотиш билан шуғулланганини тўғрисидаги шоҳидликлар, ўша куни сотиш мақсадида кўпгина ўрамда нашани сотиб олганини тасдиқлади. Суд-тиббий хулосасига кўра Жасур Умматов гиёҳвандлик дардига чалинган эди. Шу боис айбдор деб топилган судланувчига суд олти ой муддатга озодликдан маҳрум этиш, ана шу даврда мажбурий даволашга ётқизиш жазосини тайинлади.

Гиёҳвандлик нафақат дардга чалинганлар, балки уларнинг яқин кишилари, оилалари бошига ҳам кулфат келтиради. Бу вабонинг олдини олиш учун ёшларни оғир оқибатларидан огоҳ этувчи таъсирчан тадбирлар ўтказилмоқда. Лекин бу тадбирларнинг ўзи етарли эмас. Бунда ўзини шу жамиятнинг аъзосиман, деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши "аср вабоси"га қарши бир тан, бир жон бўлишлари лозим. Ана шундагина бизнинг бу борада олиб бораётган ишларимиз самара бериб, фарзандларимизнинг соғлом ҳаётини таъминлаган бўламиз. Энг муҳими эса фарзандлар тақдирига бефарқ бўлмайлик.

# Телеканал босиб олинди




3 май душанба куни Афинада Греция давлат телеканалининг NET студияси босиб олинди. РИА Новости ахборот агентлигининг шаҳар телеканаллари маълумотларига асосланган ҳолда хабар беришича, иш ташлаган ўқитувчилар буни амалга оширишган. Улар шу йўл билан Греция таълим вазири Анна Диамандопулунинг NET студиясида бермоқчи бўлган интервьюсини йўққа чиқаришган.

Хабар қилишларича, телеканал биносида ўқитувчилар полиция билан тўқнашган. Жароҳат олганлар ҳамда вазирнинг ҳозирги пайтда қаерда эканлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. NET канали бўйича Диамандопулу иштирокидаги кўрсатув ўрнига ҳужжатли фильм намойиш этилмоқда.

Греция ўқитувчилари ҳукуматнинг вақтинчалик шартнома бўйича ишлаётган мактаб ўқитувчиларининг бир қисмини қисқартириш хусусидаги режаларига қарши норозилик билдириб иш ташлаганлар.

Греция ҳукумати бюджетдаги дефицитни камайтиришнинг чораларидан бири сифатида ишчиларни оммавий ишдан бўшатиш ва давлат хизматчиларининг ойлик иш ҳақини камайтиришни режалаштирмоқдалар. Бу қисқартиришлар бўйнида катта қарз осилиб турган Грециянинг Халқаро Валюта фонди ҳамда Евроиттифоқдан кўп миллиардли кредит олишининг шарт-шароитларидан биридир. Ҳукуматнинг хатти-ҳаракатлари Афинада ва Салоникада иш ташлашлар ва оммавий тартибсизликлар келтириб чиқарди.

# Эрон президентининг талаби



4 май куни Эрон президенти Маҳмуд Аҳмади Нажот АҚШ тасарруфида бўлган ядро зарядларининг миқдори тўғрисидаги хабарни текшириш учун мустақил халқаро ташкилот тузилиши лозимлигини баён этди. Бу ҳақда Bloomberg ахборот агентлиги хабар берган. Эрон президенти бу янги тузилмага қайси мамлакатлар ва ташкилотлар вакиллари кириши лозимлигини айтиб ўтмади. Шу билан бирга Аҳмади Нажот Пентагоннинг АҚШ тасарруфидаги ядровий зарядлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилганини "Олға томон ташланган ижобий қадам", деб баҳолади. Ундан бир неча соат илгари Эрон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Рамин Меҳмонпараст Эрон ҳукуматининг АҚШ томонидан тақдим этилган хабарни мустақил равишда текшириш ниятида эканлигини баён этган эди. 3 май куни АҚШ ўз тасарруфидаги ядро зарядлари миқдори тўғрисидаги маълумотларни эълон қилган. Пентагон хабарида айтилишича, ҳозирги кунда Вашингтон 5113 та ядро зарядига эга экан. Идоранинг таъкидлашича, бу миқдор 1967 йилга нисбатан 84 фоизга ва 1989 йилга нисбатан 75 фоизга қисқарган. Шу билан бирга Маҳмуд Аҳмади Нажот АҚШ Эронга нисбатан санкциялар қўлламаслиги лозимлигини айтиб ўтди.Эрон Президентининг сўзларига қараганда, АҚШ Эронга нисбатан санкциялар қўллайдиган бўлса, бу иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳеч қачон яхшиланмайди. Эрон раҳбарининг фикрича, санкциялар қўллашдан АҚШ ҳукумати Теҳронга қараганда кўпроқ зарар кўради.

# Футбол майдонидаги хунрезлик



Номаълум шахслар Мексиканинг курорт шаҳарчаси бўлмиш Акапулько яқинидаги футбол майдонида тўп сураётган бешта кишини отиб кетишди. Associated Press ахборот агентлигининг полиция маълумотларига асосланиб хабар беришича, бу хунрезлик 3 май душанба куни тонг пайти содир бўлган. Агентликнинг таъкидлашича, бу ерларда кундуз куни жуда иссиқ бўлади. Шу боис эркаклар тонг пайти футбол ўйнашга чиққан бўлишлари мумкин. Полиция маълумотларига қараганда, қотиллар 3 та автомобилда футбол майдонига яқинлашиб келишган ва ўйинчиларга қарата ўт очишган. Полиция ҳалок бўлганлардан иккитасининг шахсини аниқлашга муваффақ бўлди - улар 25 ва 34 ёшдаги ерлик аҳоли вакиллари экан. Қолганларининг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади. Чунки қариндошлари уларни зудлик билан воқеа жойидан олиб кетишган. Содир этилган қотилликнинг сабаблари тўғрисида ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса маълум эмас. Аммо Associated Press нинг таъкидлашича, Белтран Лейба наркокартелининг алоҳида гуруҳлари ўртасида кейинги вақтларда тез-тез тўқнашувлар бўлиб турарқан.

Гиёҳвандлик моддалари сотувчилари ўртасида бораётган уруш натижасида Мексикада ҳар йили минглаб одамлар қурбон бўлади. Кейинги 3 йил ичида шундай уруш туфайли 23 минг киши ҳаётдан кўз юмган.

# Қурол омбори топилди



Мексика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қимматбаҳо металлар ва тошлар билан бежалган ўқ отар қуроллар партиясини қўлга туширган. AFP ахборот агентлигининг Мексика Бош прокуратураси маълумотларига асосланиб берган хабарида айтилишича, олтин ва кумуш суви юритилган ҳамда олмос тошлар билан бежалган 31 та пистолет, автомат ва пулемётлар қўлга олинган.

Тахмин қилинишича, бу ўқ отар қуроллар "Синалоа" наркокартелига қарашли бўлган. Автоматлар ва пулемётлар қўндоқларидаги ўйиб ёзилган "Лобо Валенсия (Lobo Valencia)" сўзлари шундан далолат беради. Бу ном жиноий гуруҳнинг тахмин қилинаётган йўлбошчиси Оскар Валенсиянинг (Oscar Valencia) лақабидир. Мексика ҳукуматининг маълумотларига қараганда, бу шахс "Сеналоа"га илгари раҳбарлик қилган Эль Чапо лақабли Хоакин Гусман билан ҳамтовоқдир. Гусман ҳозирги кунда Мексикада энг кўп қидирилаётган жиноятчи ҳисобланади.

"Қимматбаҳо қуроллар" билан бирга полиция 4 та оддий пистолет, 700 дан кўпроқ ўқ ҳамда Валенсиянинг исми тилга олинган ҳужжатларни, шунингдек, қимматбаҳо тошлар ва маълум миқдорда марихуана гиёҳвандлик моддасини қўлга туширган. Буларнинг барчаси Мексиканинг Халиско штатидаги кўпқаватли уйлардан бирининг омборхонага айлантирилган квартирасида топилган. Қурол омборининг топилиши билан боғлиқ равишда ҳибсга олишлар хусусида хабар қилингани йўқ.

Интернет хабарлари асосида **Йўлдош ПАРДА** тайёрлари


# ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

**ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР !**

**Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси давлат активларини инвестиция киритиш шарти билан "ноль" қийматда (бепул) бериш бўйича танлов савдоларини узайтирилганлигини маълум қилади.**

Танлов савдоси ҳафтанинг ҳар кейинги душанба куни ўтказилади. Манзил Тошкент шаҳри, Мирободод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 19- уй.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезедентлари қатнашишлари мумкин

Танлов иштрокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан 3 (уч) кун аввал тўхтатилади

**Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:**

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида - алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами яъни;

А) ариза ҳужжатлар тўплами;

Б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлар тўплами;

В) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:

1. Талабгорнинг инвестиция киритиш қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати);
2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;
3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари;
4. Бизнес режа.

Конвертлар, мухрланиб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармасига топширади.

| т/р | Корхона ёки объект номи | Жойлашган жойи (тум.шаҳ.) | Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари | Фаолият тури | Инвестиция мажбуриятининг минимал миқдори (млн. сум) | Инвестиция мажбуриятининг бажарилиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳар хафтанинг душанба куни | | | | | | |
| 1 | Ангрен шаҳар ҳокимлигига қарашли , №15-сонли қурилиши тугалланмаган 4 қаватли турар жой биноси | Ангрен шаҳри, 3/3 даха | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолишлик | 350,0 | 12 ой |
| 2 | Оққўрғон тумани ҳокимлигига қарашли, 140 ўринга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси биноси | Оққўрғон тумани, Элтамғала ҚФЙ | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолишлик | 500,0 | 15 ой |
| 3 | Оққўрғон тумани ҳокимлигига қарашли, 90 ўринга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси биноси | Оққўрғон тумани, Ойтамғала ҚФЙ | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Ишлаб чиқариш ёки маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш | 350,0 | 12 ой |
| 12 июлдан бошлаб ҳафтанинг ҳар душанба куни | | | | | | |
| 1 | Чиноз тумани ҳокимлигига қарашли, Собиқ туберкулёз диспансерининг бўш турган биноси | Чиноз тумани, Йўл тушган ҚФЙ | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Хусусий шаклдаги ветеренария участкаларини, хусусий клиника ва бошқа соғлиқни сақлаш ёки маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш | 15,0 | 12 ой |
| 2 | Ангрен шаҳар ҳокимлигига қарашли , №18-сонли қурилиши тугалланмаган 4 қаватли турар жой биноси | Ангрен шаҳри, 3/3 даха | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолишлик | 500,0 | 15 ой |
| 3 | Ангрен шаҳар ҳокимлигига қарашли , №41-сонли қурилиши тугалланмаган 4 қаватли турар жой биноси | Ангрен шаҳри, 14 даха | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолишлик | 500,0 | 15 ой |

**Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55- уй Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси. Телефонлар: 259-21-24, 259-83-90, 259-22-48**

# Инсон иродаси

/Давоми. Бошланиши 2-бетда/

Очил Тошев Варшава шаҳрини озод қилишда Шарқий Пруссия (ҳозирги Калининград области)нинг Кенисберг шаҳри яқинида 15 кун давом этган қаттиқ жангларда чинакам қаҳрамонлик кўрсатди. 1944 йил 18 декабрда ўнг елкасидан яраланиб, 1945 йилнинг март ойигача Свердловск шаҳридаги госпиталда даволанди ва ҳарбий врачлар комиссиясининг хулосасига кўра урушга яроқсиз деб топилди.

Шундай бўлса-да, у Белоруссиянинг Бобруйск шаҳридаги пиёдалар полкида рота командири вазифасида фаолиятини давом эттирди. 1946 йил июнь ойидагина ҳарбий хизматдан бўшатилиб, она юрти, ота-макони Қарши туманидаги Парғуза қишлоғига қайтиб келди ва Эрка Аҳмедовага уйланди.

Эрка опа Очил акага турмушга чиқишга чиқди. Лекин Очил акани яхши кўрадими-йўқми, буни билмасди. Фақат эрнинг ҳурмати-хотиннинг зийнати, деганларидек, унинг иззатини жойига кўяр, ниҳоятда латофатли, ниҳоятда ширин сўз аёл эди. (Эрка опа дунёдан ўтганлар, охиратлари обод бўлсин). Улар 4 ўғил, 3 қизни тарбиялаб, оёққа қўйиб, элга қўшишди. Катта ўғиллари Александр ва кенжа ўғиллари Равшан олий маълумотли қурувчи, Рауф агроном, Рустам механизатор-муҳандис. Катта қизлари Розия тиббиёт ҳамшираси, Робия олий маълумотли ўқитувчи, Раҳима эса ишчи. Галабани яқинлаштиришда жонини аямай қон тўккан уруш фахрийси Очил Тошев урушдан кейинги тинч меҳнат фронтида ҳам ўз касбига муҳаббат, фидойилик кўрсатиб ишлади. Ғузор тумани ижроия комитетида масъул котиб, туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи, туман машина-трактор станцияси (МТС) директорининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. 1956 йил 1 январдан Қамаши туманида МТС директори, 1957 йил августдан Косон туманидаги "Косон" совхозининг директори лавозимларида ишлади. 1959 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институти қошидаги икки йиллик хўжалик раҳбарлари тайёрлаш курсига кириб ўқиди. Ўқишни тамомлагач, 1961 йил июнь ойидан то 1979 йилгача Қарши ва Ульянов (ҳозирги Касби) туманларидаги талай хўжаликларда директор вазифасида ишлади.

Фидойилик, табиатан тиниб-тинчимаслик, катта билим, малака, раҳбарлик қобилияти, ишни тўғри ташкил эта билиш маҳорати туфайли Очил ака раҳбарлик қилган хўжаликларнинг иқтисоди юксалиб, ишчиларнинг меҳнатдан манфаатдорлиги ортди. Одамлар қалбига йўл топиб, уларнинг бошини қовуштира олиш қобилияти Очил аканинг эл орасида ҳурмат-эътиборини оширди. У фарзандлари ва шогирдларининг камоли, юрт истиқболи учун астойдил хизмат қилди.

Очил ака ишлаб юрган даврларда унинг табиатида ишчанлик, меҳнатсеварлик сифатлари бўртиб турарди. У янгиликларни, илғор тажрибаларни тез илғаб, ўзлаштириб олар ва уларни ҳаётга татбиқ этишга интиларди. Топширилган вазифага юксак масъулият билан ёндошиш Очил аканинг иш услубига, ҳаёт тарзига айланган эди.

Тўрт йил қон кечиб, урушнинг барча заҳматларини кўрган, урушдан кейинги мамлакат иқтисодини тиклаш, хўжаликларни оёққа турғазишда саратоннинг сарифида чанг ютиб, қаҳратоннинг совуғида муз қотиб ишлаган Очил аканинг метин иродасига тасаннолар айтгинг келади, киши.

Ҳа, Очил ака 91 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳали тетик ва бардам. Маҳалла, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ўтказиладиган учрашувларда қатнашиб, тинчликнинг қадри, урушнинг даҳшати, бошидан ўтказган воқеа-ҳодисалар ҳақида ёшларга сўзлаб беради. Зеро, унинг ибратли ҳикояларида олам-олам маъно, мазмун мужассам.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ҳамда Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

**Абдурайим ДАВЛАТОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси

**Дилшод АСАДОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради

# Алло, эшитаяпсизми?



*Бир ойча аввал уй телефонимизга адашиб тушадиганлар пайдо бўлиб қолишди. Аввалига, балки биров ўргинча уланиб олгандир, деб ўйладим. Аммо кўп ўтмай телефонимиз ўчиб қолди.*

**Гули ҲОЖИБОЕВА,** "Ниқиқ"

Ўтган шанба вақт ажратиб, Собир Раҳимов туман телефон тармоғига йўл олар эканман, пул тўлаш баҳонасида бу муаммони ҳал этишни ҳам дилимга тугиб қўйдим. Манзилга етгач, одам кўплигидан аввалига ажабландим. Кассалар олди тирбанд. Ноилож, навбатда турганларнинг сафига қўшилдим. Мендан олдинроқда сипогина кийинган аёл турган эди. Унинг навбати келиши билан қўнғироқдек овози эътиборимни тортди:

— Телефонимга ўтган ҳафта пул тўлаган эдим. Бугун яна ўчириб қўйибсизлар.

— Лимитдаги вақтни тугатибсиз.

— Менга қаранг, синглим...

У шундай дея нима учундир орқасига ўгирилиб, бизга қараб олди-да, яна кассирга юзланди:

— Лимит дейсиз, унга ажратилган вақт, дейсиз. Ўша вақтни нимага асосланиб ҳисоблайсизлар ўзи-а?

Кассир ўз вазифасини яхши биларкан чоғи, "Буни раҳбарлардан бориб сўранг, улар сизга тушунтириб беришади" деди-ю, гап тамом дегандек, унинг ортида турган йигитчага юзланди: "Рақамингиз?"

Аёлнинг кассирдан гап ололмаслигига кўзи етди, шекилли, ўзича бир нималар деганча, қатордан чиқиб кетди. Худди атайин қилгандек, энди қўшни кассага навбатда турган қариянинг овози эшитилди:

— Фамилиям Раҳматуллаев. 12 йилдан буён уйимга телефон ўтказолмаяпман. Ҳар йили кейинги ойда келинг дейишдан нарига ўтмайсизлар. Куни кеча кўчиб келган қўшним телефон тушириб олди. Нимага уларга навбат тез келади-ю, мен йиллаб кутишим керак? Кимга учрашишим керак ўзи?..

Хуллас, навбатим келгунча "зериктиришмади". Пулни тўлаб, ташқарига йўл олар эканман, кўча эшигидан қўшни уйда яшайдиган таниш жувон кириб келди.

— Вой, сиз ҳам келувмидингиз, телефонимиз қурғур блокиратор. Шуни хусусий рақамга алмаштирмоқчимиз. Гаплашаётганимизда худди кимдир уланиб олгандек бўлаверади. Вилоятлар билан гаплашганда яхши эшитилмайди. Бу бизнинг телефонга боғлиқми, вилоятдаги телефонгами, билмадик...

У лаби-лабига тегмай, "дардини достон" қилар экан, орқа томондан жаҳл аралаш овоз эшитилиб, унинг гапи бўлинди. Иккаламиз шоша-пиша ўша томонга қарадик. Ўрта ёшлардаги бир киши қўлини пахса қилганча, — Шаҳарлараро қарзингиз бор деб, телефонимизни ўчириб қўйибсизлар. Уйдагилармиз вилоятлар билан гаплашишмайди, ахир. Қандай қилиб қарздор бўламиз? — деди тутақиб.

Йўқ, ортиқ чидай олмайман. Бошимда оғриқ бошланаётганини ҳис қилдиму, танишим билан шоша-пиша хайрлашиб, чиқиб кетдим. Уйга келгач, дори ичиб, уй ишларига андармон бўлдим. Боя кўрганларим эсимдан чиқиб кетди. Кўп ўтмай, телефон жиринглаб қолди. Хайрият, ишлабди. Гўшакни кўтардим. Буни қарангки, яна адашиб бизга қўнғироқ қилишибди. Ана шундагина АТСга бориб, фақат пул тўлаб келганим, асосий муаммони ҳал этиш эса ёдимдан кўтарилганини англадим. Эссиз... Келаси ҳафта боришни кўнглимга тугиб қўйдим.

Эртаси куни дўконга чиқиб, кеча АТСда учратганим, қўшни жувонни кўриб қолдим. Маълум бўлишича, уни ҳам раҳбарнинг ёнига жўнатишибди. У ерда ҳам одам кўп экан. Икки соатча кутиб, ноилож уйига қайтибди.

— Буни қаранг, бошлиқни кутиб, шунча вақтимни бекор кетказибман-а?! Ҳеч бўлмаса, кўпгина идоралардагидек, деворларга тегишли қўлланмаларни осиб қўйишса бўлмасмикан?..

Уйга қайтгач, яна унинг гапларини эсладим. Навбатда турган пайтимда атрофни томоша қилганим ҳам ёдимга тушди. Ростдан ҳам девордаги чекиш ман этилиши ҳақидаги ёзувдан бошқа ҳеч нарсага кўзим тушмабди. Тўғри, бу ёзувнинг бўлиши шарт, аммо назаримда соҳа мутасаддилари унинг ёнига тизимга тегишли йўриқномаларни-ю телефон хизмат турларига оид маълумотларни ҳам осиб қўйишса бўларди-ку! Дарҳақиқат, янги телефон рақами олиш, лимит қанча вақтни ташкил этиши ҳамда у нимага асосланиб ҳисобланиши, лимит тугаганидан кейин дақиқасига қанча пул тўланиши-ю, блокировка ҳақидаги тушунчаларни тайёрлаб, илиб қўйиш шунчалар қийинми? Бу билан эса мутасаддилар маълум даражада ҳам ўзларининг, ҳам ҳамшаҳарларимизнинг қимматли вақтларини тежашарди. Ортиқча асаббузарликларга ҳам чек қўйиларди. Қолаверса, бу ўзим гувоҳ бўлганим, фақат биргина туман телефон алоқа тармоғидаги манзара. Бу каби ҳолатларнинг бошқа туманларда ҳам бўлмаслигига ким кафолат беради?

XXI асрни фан-техника асри дея таърифлаяпмиз. Дарҳақиқат, шундай. Биргина қўл телефонларини олайлик. Яқин ўтмишда симсиз телефон ҳақида ўйлашнинг ўзи унчалик ҳақиқатга тўғри келмасди-ку! Гарчи хорижда шундай матоҳлар пайдо бўлгани ҳақида эшитган бўлсак-да, ўз кўзимиз билан кўрмагандик. Бугун бўлса, ҳатто айрим боғча ёшидаги болакайларнинг ҳам қўл телефонида суҳбатлашаётганига гувоҳ бўламиз. Айтмоқчиманки, уяли телефон алоқаси компаниялари АТСлар билан ўзаро рақобатга киришдилар. Соғлом рақобат бор жойда эса, аввало унум бўлади. Аҳамият берган бўлсангиз, бундай компаниялар оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез ахборотлар бериб турадилар. Янгидан-янги хизмат турлари-ю қулайликлар ҳам яратилмоқда. Тасаввур қилинг, танишингизга қўнғироқ қилдингиз. Шу заҳоти қўл телефонингизда уни бемалол кўриб, мулоқотга киришасиз. Ёки фильмлар билан турли клипларни ҳам ёзиб олиб, томоша қилишингиз мумкин.

Шундай экан, шаҳар ва туман АТСдагилар нима учун бу ҳақда бош қотиришмаяпти?

Биз аввало истеъмолчи ҳисобланамиз. Аммо тан олиш керак, истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз. Ҳақ-ҳуқуқларимиз эса "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилган. Ушбу Қонуннинг 4-моддасига кўра, истеъмолчи, аввало товар (иш, хизмат) тўғрисида, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга ҳақли ҳисобланади. Товар ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ёки сотувчилар эса, истеъмолчининг ушбу ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишини таъминлашга мажбурдирлар. Шунингдек, истеъмолчи товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш, бу товарнинг етарли даражада сифатли ҳамда хавфсиз бўлишини талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Буни эса, нафақат биз — истеъмолчилар, балки аҳолига хизмат кўрсатувчи барча ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари, шунингдек, АТСларнинг мутасаддилари ҳам билиб олишса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

**Huquq** yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati: Yusupboy G`OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Shavkat YODGOROV *(mas'ul kotib)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma j-9406. 23 916 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi-dizayner: S.BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: B.NAZAROV
Navbatchi : O`.DEHQONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9